Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 159 (20. 426) • 1989 йил 7 июль, жума • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА ВИЗИТИ

ПАРИЖ, 5 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Зафар аркаси — Франция пойтахтининг энг жозибадор жойларидан бири. Номаълум солдат қабри шу ерда, ҳар бир французнинг дилига азиз бўлган шу жойдан М. С. Горбачевнинг Францияга расмий визити иккинчи куни бошланди.

М. С. Горбачев миллий гвардия фахрий қоровули сафини айланиб ўтади, рапорт қабул қилади. Совет Иттифоқи ва Франция Гимнлари янграйди. Совет раҳбари қабрга атиргул ва чиннигуллардан гулчамбар қўяди. Ўз Ватанининг мустақиллиги учун жон берган француз жангчилари хотирасини ёдлаб дақиқа сукут сақлаб турилади.

М. С. Горбачев бу ерга таклиф этилган парижликларни самимий табриклайди. Улар орасида Қаршилик ҳаракатининг ветеранлари, «Нормандия-Неман» авиация полкининг собиқ учувчилари бор эди. Ветеранлар ҳам, ёш французлар ҳам Совет иттифоқилик олий мартабали меҳмон Парижга келган биринчи кунини Бастилия майдонини зиёрат қилишдан бошлаганини, бугун эрталаб эса жанг майдонларида ҳалок бўлган французлар хотирасига ҳурмат бажо келтирганини муносиб баҳоламоқдалар.

Автомашиналар кортежи яна пойтахтнинг бош магистрали — Елисей майдонига чиқади. Бугун буюк француз революциясининг рамзий маъноси ва бўёқларини ўзида мужассамлаштирган майдоннинг байрамона либосига қизил ранг қўшилганлиги яққол сезилиб турибди — Совет Иттифоқининг байроқлари 14 июль байрамига ҳозирлик кўриб қўйган Парижнинг ранг-баранг безакларига ҳусн қўшди.

Сўнгра Сена дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб шаҳарнинг энг қадимий меъморчилик ёдгорлиги бўлмиш Париж ҳокимининг маҳкамаси биноси томон йўл олинади. Маҳкамага кираверишда М. С. Горбачевга Париж ҳокими Жак Ширак пешвоз чиқиб, муниципалитет аъзоларини меҳмонга таништирди.

Людовик XIII замонида қурилган Париж ратушасининг 350 йиллик тарихида ҳам буюк француз революцияси билан боғлиқ воқеалар алоҳида ўрин тутади. 1871 йилда эса маҳкама олдидаги майдонда Париж Коммунаси эълон қилинган эди. Шаҳар муниципалитетининг диққатга сазовор жойлари кўздан кечирилгач, М. С. Горбачев Ж. Ширак билан қисқача суҳбатлашди.

М. С. Горбачев фахрий меҳмонлар китобига имзо чекмоқда.

ТАСС телесурати.

Чошгоҳда Совет давлатининг бошлиғини Европанинг энг кўҳна университети — Европа қитъасидаги биринчи дунёвий олий ўқув юрти — Сорбоннада кутар эдилар. М. С. Горбачев бу ерга келиши биланоқ уни студентлар, профессорлар қуршаб олишди. Париж университетларининг ректори М. Жандро-Массалу ҳамроҳлигида у Сорбоннанинг катта залига киради, бу ерда француз зиёлиларининг намояндалари тўпланишган эди.

М. С. Горбачев йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлади.

Француз зиёлиларининг намояндалари билан бўлган суҳбатдан кейин М. С. Горбачев ректоратда бўлди. Бу ерда унга Сорбоннанинг эсдалик медали топширилди.

Маринье қароргоҳида Совет раҳбари Франция бош министри Мишель Рокар шарафига нонушта зиёфат берди.

Елисей саройида Совет — Франция музокаралари давом эттирилди. Сўнгра битимларни имзолаш маросими бўлди.

ТАСС мухбири СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзедан визитнинг эришилган натижаларини шарҳлаб беришни илтимос қилди. Министр бундай деди: Кеча М. С. Горбачевнинг президент Франсуа Миттеран билан биринчи учрашуви бўлди, бу — халқаро вазиятнинг энг ўткир муаммолари, Европа жараёни билан, икки томонлама муносабатлар билан боғлиқ масалаларга оид жуда муҳим суҳбат бўлганлиги маълум. Суҳбат чоғида ҳозирги замоннинг кўпгина масалалари хусусида кенг иноқлик соҳаси мавжудлиги маълум бўлди. Бугун ва эртага турли поғоналардаги учрашувлар давом эттирилади.

Бир қанча битимлар — иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий соҳалардаги, Парижда ва Москвада маданият марказларини барпо этиш ҳақидаги битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Шундай қилиб, битта визит давомида мисли кўрилмаган миқдордаги битимлар имзоланди, деб таъкидлади Э. А. Шеварднадзе. Албатта, бундан аввал барча идоралар, шу жумладан дипломатия идоралари катта тайёргарлик ишини қилган эдилар. Натижалар — салмоқли. Музокаралардаги муҳит яхшилигини ҳам айтмоқ керак. Шу сабабли визитни ҳеч муболағасиз Совет — Франция муносабатларидаги буюк воқеа деб таърифлай оламан.

Парижликлар М. С. Горбачевни сидқидилдан самимий ва яхши кутиб олмоқдалар, деди сўзининг охирида министр. Бастилия майдонида кеча бўлиб ўтган учрашув айниқса ҳаяжонли бўлди. Ҳазиллашиб министр бу учрашувни «Бастилиянинг олиниши» деб атади.

Куннинг охирида Елисей саройида М. С. Горбачев билан Ф. Миттераннинг матбуот конференцияси бўлди.

* * *

Париж, 5 июль. (ТАСС). Тушдан кейин Елисей саройида иккала делегация кенгайтирилган составда учрашди. Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, Л. А. Воронин, давлат министрлари Р. Дюма ва П. Береговуа, мудофаа министри Ж. -П. Шевенман ўзлари ўтказган амалий учрашувларнинг натижалари ҳақида ахборот бердилар.

М. С. Горбачев билан Ф. Миттеран визит давомида қилинган ишни якунладилар.

Музокаралар тамом бўлгач, давлат бошлиқлари тантанали вазиятда СССР билан Франция ўртасида иқтисодий, саноат, илмий ва техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш принциплари тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Сўнгра ҳукуматларнинг аъзолари бир қанча Совет-Франция битимларини имзоладилар.

АҲИЛЛИКДА ЯШАЙЛИК

Қаршидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Фарғона областидаги фожиали воқеалар ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Корхона меҳнаткашлари ғаламисларнинг ваҳшиёна ҳаракатларини, қайта қуришга қарши кучларнинг вазиятни беқарорлаштириш, турли миллатларга мансуб кишилар ўртасига адоват ва душманлик уруғларини сочиш муддаосини ғазаб билан қоралайдилар. Митинг қатнашчилари М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқини астойдил қўллаб-қувватладилар.

Тикувчи-моторист Ф. Жепарова, мастерлардан Х. Раҳматова, С. Василиади ва бошқа кўпгина кишилар Ўзбекистонда ўнлаб миллат намояндалари яшаб турганликларини таъкидладилар. Улар умумий куч-ғайрат сарфлаганликлари тақдирдагина қайта қуришни олға силжитишлари, неча ўн йиллар давомида тўпланиб қолган иқтисодий, социал қийинчиликларни бартараф этишлари мумкин. Партия, совет органлари ўз вақтида чоралар кўришганида кескин можаронинг олдини олиш мумкин бўлур эди, деб таъкидлашди митинг қатнашчилари.

Бирлашмада йигирмадан зиёд миллат вакиллари ишламоқдалар. Улар ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли уддаламоқдалар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати оширилмоқда. Митингда ҳозир бўшашувчанликка йўл қўйиб бўлмаслиги қайд этиб ўтилди. Коллектив ўз олдига қўйган вазифалар бажарилибгина қолмай, ошириб ҳам бажарилиши керак. Бунга эса одамлар қайси тилда гаплашишларидан қатъи назар, улар ўртасидаги дўстлик, ишчиларнинг мустаҳкам жипслиги ёрдам беради. (ЎзТАГ).

• РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Хатирчи районидаги Пўлкан шоир номли совхозда илғор механизатор Абдусалом Эгамбердиевни кўпчилик танийди ва ҳурмат қилади. У ҳозирги пайтда кунига 7-8 гектар майдондаги ғўзаларга ишлов беряпти. Сиз А. Эгамбердиевни кўриб турибсиз.

А. ЭЛМУРОДОВ сурати.

МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

✦ **Пайариқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози аъзолари бу йилги қийин об-ҳаво шароитларига қарамай барча соҳалар бўйича план-топшириқларни ошириб бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.**

Ҳаракатда баракат, деганларидек самарали меҳнат ўз самарасини бермоқда. Хўжалик миришкорлари давлатга чорва маҳсулотлари топшириш ярим йиллик планларини ошириб адо этишганига анча бўлди. Гўшт сотиш олти ойлик плани 104,6 процент, сут топшириш плани 113,5 процент, тухум тайёрлаш плани 259 процент, пилла тайёрлаш йиллик плани эса 112,5 процент қилиб бажарилди.

Колхозда айни кунларда чорва ва деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлашни қизғин давом эттириш билан бир қаторда ғўза парвариши ҳам агротехника талаблари асосида олиб борилмоқда.

Р. ИСАЕВ.

ДЕПУТАТНИНГ ДАЛАСИДА

✦ **Сирдарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Малик» совхози пахтакорлари ғўза парваришини юқори суръатларда олиб бормоқдалар.**

Дала ишлари СССР халқ депутати Тўхтахон Қирғизбоева бошлиқ бригадада айниқса намунали ташкил этилган.

Бригада пахтакорлари бу йил 91 гектар майдонда ғўза парваришлаб, ҳосилдорликни 28,4 центнер ўрнига 35 центнерданга етказишга сўз беришган. Коллектив деҳқонлари ҳозирги долзарб дамлар қадрига етиб, экинни суғориш, озиқлантириш, қатор ораларини юмшатишни ўз вақтида сифатли адо этишга ҳаракат қилишяпти. Механизатор Бахтиёр Алиқулов ғўза қатор ораларига тўртинчи мартаба комплекс ишлов бермоқда.

Тажрибали мироблардан Эргаш Умаров, Зоҳид Мирзаевлар ҳар қатра сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб, ғўзаларни об-ҳаётга қондиришаётир.

А. БУРЛИЕВ.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

✦ **Жарқўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли совхоз 2-бўлим заршунослари жорий йилда 695 гектар пахта майдонига «Т-14» навли ингичка толали пахта уруғи экиб, меҳр билан парваришлашяпти.**

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, суғориш ва бегона ўтларни йўқотиш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борияпти. Деҳқонлар меҳрига қонган ўсимлик кунда бир яшнамоқда. Бўлим пайкалларидаги ғўзалар бир текис гуллаб, кўсаклаётир.

Миришкорлар ғўза қатор ораларига тўртинчи комплекс ишлов беришни бошлаб юбордилар. Дала ишларини кўнгилдагидек адо этилишида механизаторлардан К. Сувонов, С. Аллабердиев, А. Абсоров, А. Худойбердиевлар, сувчилардан У. Қурбонов, Э. Тайманов, Ж. Эсонов, Ч. Турдиевлар касбдошларига намуна бўлишяпти.

М. РАҲМОНОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

СССР Олий Советининг 4 июлдаги мажлисида Г. А. Габриэлянцни СССР геология министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

СССР министри лавозимига номзод ялпи хом ашё кўрсаткичидан воз кечиш имконини берадиган геология-иқтисодий моделларни яратиш асосида стратегияни ўзгартиришни биринчи вазифа, деб ҳисоблайди. Геология-қидирув ишларининг қимматини нотиқ иккинчи йирик муаммо, деб атади. Фан-техника ишланмаларининг жамики имкониятларидан янада унумлироқ фойдаланиш ва тармоқни бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини кенг жорий қилиш керак, деб таъкидлади у. Мамлакат геологлари хўжалик ҳисобини ўзлаштириши нутқда министрликнинг яна бир мураккаб вазифаси эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ўринда нотиқ истеъмолчилар билан шартномавий муносабатларга таяниш ва иқтисодий мезонларни шу муносабатларга асос қилиб олиш зарур деб ҳисоблайди.

Номзод геологларнинг социал муаммоларни ҳал этишда қатнашиши ва қишлоқ хўжалигига ёрдам бериши имкониятлари ҳақида ҳам гапирди. Геолог-қидирувчиларнинг ташқи иқтисодий фаолияти, янги стратегияси ҳақидаги мулоҳазаларини ҳам айтди.

Пировардида Г. А. Габриэлянц депутатларнинг бир қанча саволларига жавоб қайтарди.

Муҳокама қилинаётган масала юзасидан бошланган музокараларда депутатлардан **В. Д. Юдин, А. И. Вучейский, Р. П. Ругин, П. Д. Осипов** ва **В. Е. Курташин** сўзга чиқдилар.

СССР Олий Совети Г. А. Габриэлянцни СССР геология министри этиб тайинлайди.

Депутатлар СССР Министрлар Советии томонидан СССР граждан авиацияси министри лавозимига тавсия этилган А. Н. Волков номзодини кўриб чиқишга киришадилар.

А. Н. Волковга сўз берилади.

Министрлик лавозимига номзодга депутатлар 70 тадан кўпроқ оғзаки ва ёзма савол бердилар. Кейинги йилларда авиация қатнови системасида вужудга келган кескин аҳвол мамлакатда кўп кишини ташвишга солмоқда.

Нотиқ бунинг сабабларини изоҳлаб, ёнилғи лимити қаттиқ чеклаб қўйилганини, бир қанча типларга мансуб самолётлар ёнилғини кўп сарфлаётганини, ердаги хизмат муассасаларини моддий-техникавий базаси орқада қолганини асос қилиб кўрсатди. Ҳозир мана шу масалаларнинг ҳаммаси, деди у, тармоқ раҳбарлари ва мутахассисларининг диққат марказида турибди, унинг ишини яхшилашнинг устун йўналиши қилиб қўйилган.

Министрликка номзод пассажир ташишни ҳар томонлама яхшилашни шу соҳаларнинг энг муҳими, деб атади. Гап пассажир ташиш ҳажмини кўпайтириш ҳақидагина эмас, балки шу билан бирга учишларнинг хавфсизлигини, осмонда ва ерда хизмат маданиятини ошириш ҳақида ҳам бормоқда.

Учишлар структурасини такомиллаштириш, маршрутларни тўғрилаш — ички резервлардан оқилона фойдаланиш йўлларидан биридир. Ҳозир авиаторлар бу имкониятдан фаол фойдаланмоқдалар. Шу йўл билангина бултур минглаб пассажирларни манзилига қўшимча равишда элтиб қўйишга муваффақ бўлинди. Аммо бу — ўткир муаммони ҳал этишнинг бир қисми, холос.

Депутатларнинг саволларига қайтарилган жавобларда бир қанча юкларни ташиш вазифасини мамлакат транспорт системасининг бошқа бўғинларига, жумладан темир йўлга олиб бериш таклиф қилинди. Нотиқ аэрофлотни техника билан қайта жиҳозлаш муаммосига батафсил тўхталди ва бу муаммо суст ҳал этилаётганини айтди. У депутатларни граждан авиациясининг ердаги базасини ривожлантириш комплекс программаси мазмунидан ҳамда айниқса Сибирда, Узоқ Шарқда ва мамлакатнинг шимолида аэропортларни ривожлантириш вазифаларини пассажирлар фойдасига ҳал этиши лозим бўлган тадбирлардан хабардор қилди. Мамлакатимизда ҳаво орқали юк ташиш соҳасидаги монополияни тугатиш чоралари кўрилмоқда. Аэрофлотнинг халқаро фаолияти ҳақида депутатларга ахборот берилиб, шу йилдан бошлаб аэрофлот ўзини-ўзи валюта билан қоплашга ўтаётганлиги маълум қилинди.

Депутатлардан **В. М. Етилен, А. Аннамуҳамедов, В. И. Воскобойников, Б. Н. Ельцин** аэрофлотдаги ишларнинг аҳволига, номзоднинг ишчанлик хислатларига принципиал ва холисона баҳо бердилар.

А. Н. Волков СССР граждан авиацияси министри қилиб тайинланади.

В. А. Биковни СССР медицина саноати министри этиб тайинлаш тўғрисидаги масала депутатларнинг муҳокамасига қўйилади.

Раислик қилувчи сўзни **В. А. Биков**га беради.

Бизнинг министрлигимиз алоҳида социал йўналишга эга, чунки у мамлакатимиз соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришнинг моддий асоси ҳисобланади, деди у.

Нотиқ министрликнинг ташкилий тузилиши билан депутатларни таништиргач, фармацевтика тармоғи олдида турган муаммоларга тўхталди, бу тармоқ ҳали мамлакатнинг дори-дармонга бўлган эҳтиёжларини қондира олмаётганини тан олди, вужудга келган вазиятни тезроқ ўзгартиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ҳақида гапирди. Министрликнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган баъзи нозик жиҳатларига қарамай, ҳали тармоқнинг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилаётгани йўқ. Хом ашё соҳасидаги планни мувозанатлаштириш, бутун кучни резервлардан фойдаланишга сафарбар қилиш борасида шошилинч равишда кўрилаётган чора-тадбирлар ярим миллиард сўмлик дори-дармонни қўшимча равишда ишлаб чиқариш имконини беради, деди нотиқ. Бошқа идораларга қарашли корхоналарнинг манфаатларини фармацевтика тармоғининг режалари билан боғлаш бошқа бир йўлдир. Мудофаа корхоналари фаолиятини ўзгартириш ҳам, халқ истеъмоли моллари жумласига киритилган медицина препаратлари ишлаб чиқаришда ялпи манфаатдорлик ҳам шу ишлар қаторига киради, деди министрликка номзод. Нотиқнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу тармоқ учун хом ашё ишлаб чиқаришга кучларни жалб қилиш мамлакатга қўшимча равишда бир миллиард икки юз минг сўмлик дори-дармон бериш имкониятини яратади.

Ҳукумат аъзолигига номзод халқ депутатларининг саволларига жавоб қайтарди.

(Давоми иккинчи бетда).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

«СССР Министрлар Совети тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. «СССР Министрлар Совети тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартишлар киритилиб, шу Қонуннинг 23, 24, 25, 26 ва 27-моддалари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23-модда. СССР Умумиттифоқ министрликлари

Қуйидагилар СССР Умумиттифоқ министрликларидир:

Авиация саноати министрлиги,

Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги,

Атом энергетикаси ва саноати министрлиги,

Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги,

Сув хўжалиги қурилиши министрлиги,

Геология министрлиги,

Граждан авиацияси министрлиги,

Медицина саноати министрлиги,

Металлургия министрлиги,

Денгиз флоти министрлиги,

Нефть ва газ саноати министрлиги,

Мудофаа саноати министрлиги,

Мудофаа министрлиги,

Умумий машинасозлик министрлиги,

Темир йўллар министрлиги,

Радио саноати министрлиги,

Балиқ хўжалиги министрлиги,

Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги,

Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги,

Кемасозлик саноати министрлиги,

Транспорт қурилиши министрлиги,

Оғир машинасозлик министрлиги,

Кўмир саноати министрлиги,

Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министрлиги,

Электрон саноати министрлиги,

Электр техника саноати ва приборсозлик министрлиги.

24-модда. СССР Иттифоқ-республика министрликлари

Қуйидагилар СССР Иттифоқ-республика министрликларидир:

Ички ишлар министрлиги,

Соғлиқни сақлаш министрлиги,

Ташқи ишлар министрлиги,

Маданият министрлиги,

Ўрмон саноати министрлиги,

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги,

Алоқа министрлиги,

Савдо министрлиги,

Молия министрлиги,

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги,

Адлия министрлиги.

25- модда. СССР Умумиттифоқ давлат комитетлари

Қуйидагилар СССР Умумиттифоқ давлат комитетларидир:

СССР Фан ва техника давлат комитети,

СССР Маҳсулот сифатини бошқариш ва стандартлар давлат комитети,

СССР Ҳисоблаш техникаси ва информатика давлат комитети,

СССР Гидрометеорология давлат комитети.

26-модда. СССР Иттифоқ-республика давлат комитетлари

Қуйидагилар СССР Иттифоқ — республика давлат комитетларидир:

СССР Давлат план комитети,

СССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети,

СССР Давлат қурилиш комитети,

СССР Давлат меҳнат ва социал масалалар комитети,

СССР Давлат нарх комитети,

СССР Давлат статистика комитети,

СССР Давлат халқ таълими комитети,

СССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети,

СССР Давлат кинематография комитети,

СССР Давлат матбуот комитети,

СССР Давлат ўрмон комитети,

СССР Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитети,

СССР Давлат физкультура ва спорт комитети,

СССР Саноатда ва атом энергетикасида ишларни хавф-хатарсиз юритиш устидан назорат давлат комитети.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети.

27-модда. СССР Министрлар Советига бўйсунувчи бошқа органлар

СССР Давлат банки СССР Министрлар Советига бўйсунади, унинг раҳбари белгиланган тартибда СССР ҳукумати таркибига киритилади.

СССР Министрлар Совети тузадиган СССР Министрлар Совети ҳузуридаги хўжалик, социал-маданий ва мудофаа қурилиши ишлари билан шуғулланувчи комитетлар, бош бошқармалар, бошқа идоралар ҳамда СССР қонунларига мувофиқ бошқа органлар ҳам СССР Министрлар Советига бўйсунадилар».

2. СССР Министрлар Советига СССР халқ депутатлари айтган таклифларни эътиборга олиб, СССР Министрлар Совети тўғрисидаги СССРнинг янги Қонуни лойиҳасини тайёрлаб, СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этиш топширилсин.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва Кремль.
1989 йил, 27 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

В. А. Биковнинг номзоди юзасидан ўтказилган музокарада депутатлардан **Н. Н. Прибилов, Н. А. Куценко** сўзга чиқдилар.

Музокарада ўртага қўйилган баъзи масалалар хусусида Н. И. Рижков изоҳ берди.

Кўпчилик овоз билан В. А. Биков СССР медицина саноати министри этиб тайинланади.

Депутат Б. Н. Ельциннинг республикалар, ўлкалар ва областлардаги баъзи раҳбарларнинг шахсий самолётлари ва вертолётлари борлиги ҳақидаги гапи хусусида депутат **Ю. А. Манаенков** луқма ташлаб, Б. Н. Ельциндан ўз фикрини аниқ-равшан фактлар билан мустаҳкамлашни сўради.

Бир қанча депутатлар депутат А. А. Собчакдан унинг В. М. Каменцев раҳбарлик қилаётган аппаратда қариндош-уруғчилик алоқалари туфайли иш жойларини эгаллаб турган бир талай ходимлар бор, деган гапи хусусида изоҳ беришни талаб қилдилар.

Депутат А. А. Собчак берган изоҳ депутатларни қаноатлантирмади. Шу муносабат билан СССР Олий Советининг мажлисида мунозараларнинг туси ва руҳи, баъзи бир тартиб-қоида масалалари тўғрисида жиддий равишда гаплашиб олинди.

Палаталарнинг қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

* * *

5 июлда СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** палаталарнинг навбатдаги қўшма мажлисини очади.

Депутатлар СССР Министрлар Советининг состави тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни давом эттирадилар.

СССР металлургия министри лавозимига С. В. Колпаковни тайинлаш таклиф қилинади.

Металлургия саноатидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ахборот бериш ва депутатларнинг саволларига жавоб қайтариш учун **С. В. Колпаковга** сўз берилади. Иккита министрлик бирлаштирилгандан кейин, деди у, металлургия комплекси 22 та кичик тармоқни, турли регионлардаги 2000 га яқин корхона ва ташкилотни ўз ичига олади. Тармоқда 2,7 миллион киши ишлаб турибди, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми — 77 миллиард сўм.

1986 йилдан буён нохуш тенденцияларни тўхтатиб туришга, планларнинг бажарилишини таъминлашга, молиявий аҳволни барқарорлаштиришга муваффақ бўлинди, деб таъкидлади номзод. Бироқ, совет экономикаси учун металлургиянинг аҳамияти бундан буён туб ўзгартишларни талаб қилади. Аввало асосий фондлар жуда сийқаланиб кетганлиги сабабли кўпчилик корхоналар жадал реконструкция қилиниши ва техника билан қайта жиҳозланиши лозим. Йўл қўйилган хатоларни тузатиш, тунука тарзидаги прокат, металлнинг сифатли турлари салмоғини ошириш зарур, бу иш иқтисодий кўрсаткичларни анча яхшилаш имконини беради, машинасозлик ва бошқа энг муҳим тармоқлар маҳсулотининг сифатига таъсир қилади. Илм-фаннинг ёрдами билан технология жараёнларини модернизациялаш, хўжалик ҳисобини кенг миқёсда жорий қилиш режалаштирилмоқда. 1991 йилдан бошлаб металлургияни комплекс равишда янгилаш мўлжалланмоқда, бу тадбир металлургиянинг натижаларини анча яхшилаш имконини беради.

Шу қадар қудратли комплексни эски усуллар билан бошқариб бўлмайди. Корхоналарнинг ўз мустақиллиги ва масъулиятини янада оширишни, бир қанча концернлар ва уюшмалар тузишни, айрим заводларни ижара пудратига ўтказишни мўлжаллаяпмиз.

Тармоқда, деб уқтирди С. В. Колпаков, асосий металлургия марказларининг экологик муаммоларини ҳал этишнинг, уй-жой қурилиши ҳажмларини кўпайтиришнинг, металлурглар меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашнинг аниқ программаси ишлаб чиқилган.

С. В. Колпаковнинг номзодини муҳокама қилишда депутатлардан **А. Н. Пенягин, А. Ф. Касьянов, В. Я. Медиков, А. В. Гриб, В. А. Ноздря, В. А. Ярин, В. А. Челишев, К. З. Ромазанов** қатнашдилар.

СССР Олий Совети С. В. Колпаковни СССР Металлургия министри қилиб тайинлайди.

Муҳокама қилинаётган номзодлар юзасидан кўпгина депутатлар фикр билдириш иштиёқида эканликларини ҳисобга олиб, **раислик қилувчи** эътиборни асосий масалага, номзодларнинг шахсини ва уларнинг программаларини баҳолашга қаратишга, регионал характерга эга бўлган конкрет масалаларни эса амалий тартибда ҳал этиш учун қолдиришга чақирди.

СССР денгиз флоти министри лавозимига Ю. М. Вольмерни тасдиқлаш таклиф қилинади.

Ю. М. Вольмер тармоқнинг келгусидаги фаолияти программасини қисқача баён этиб берди. Денгиз флоти министрлиги, деди у, халқ хўжалигининг ички портлар ўртасида юк ташишга, экспорт-импорт юкларини ва пассажирларни ташишга бўлган эҳтиёжларини қондириши лозим. Ҳозир ишлаб турган кемаларнинг чорак қисми йигирма ёшдан ошган ва ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлишига қарамай, кейинги вақтларда флотнинг кексайиш суръатларини бирмунча секинлаштиришга эришилди. Келгусида флотни пассажир кемалари, ёғоч ташийдиган, қутқарадиган кемалар билан тўлдиришга алоҳида эътибор берилади.

Нотиқ тармоқда интизомни мустаҳкамлаш, коллективларнинг диққат-эътиборини пировард натижаларга қаратиш, хўжалик ҳисобини ўзлаштириш чора-тадбирлари кўрилганини айтиб берди. Шу тадбирлар ўзини ўзи валюта билан таъминлаш шароитида ишлашга ўтишга тайёргарлик кўриш имконини берди. Келгусида эса денгиз флотининг давлат бюджети ва маҳаллий бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларда солиқ усулига ўтиб ишлаши мутлақо мумкин бўлиб қолади, деб таъкидлади у.

Сўнгра нотиқ валюталарни бемалол алмаштириш имкониятига эга бўлиш мақсадида чет элликларнинг юкларини ташишни кўпайтириш истиқболларига тўхталди. Келгусида кемаларни ижарага топшириш ҳам министрликнинг фаолиятида алоҳида ўрин олади. Нотиқ илғор технологияларни — контейнер, пакет, лихтер усулида юк ташишни ривожлантиришни муҳим вазифа, деб атади. Пассажир ташиш ҳам камайтирилмайди.

Министрликнинг режаларига кўра, тармоқни бошқариш структураси ЭҲМдан фойдаланиб такомиллаштирилади, социал муаммоларга, жумладан, уй-жой масаласини ҳал этишга эътибор кучайтирилади. Пировардида министр лавозимига номзод денгиздаги хавфсизликни таъминлашнинг миллий программасини яратиш кераклигини айтди.

Депутатлардан **И. П. Зелинский, В. А. Шеховцов** ва **В. А. Тетенов** номзод шанига мулоҳаза ва таклифлар айтишди.

Ю. М. Вольмерни СССР денгиз флоти министри қилиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул этилади.

СССР мудофаа саноати министри лавозимига тавсия этилган Б. М. Белоусов номзодини муҳокама этиш таклиф қилинади.

Б. М. Белоусов минбарга чиқади. Биз, деди у, тармоқ иши принципиал концепциясини изчиллик ва қунт билан тайёрладик. Унинг рўёбга чиқарилиши аввалги икки министрлик бирлаштирилиши натижасида олинадиган ижобий самарадан иложи борича кўпроқ фойдаланиш ва бошқарувни қайта ташкил этишдан бирон бир нарсани йўқотишга йўл қўймасликка имкон беради.

Фан ва технологиянинг сўнгги ютуқлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, асосида СССР Қуролли Кучларини оқилона етарлилик принципига мувофиқ юқори сифатли қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш мазкур концепциянинг ғоят муҳим бандидир. Айни вақтда биз Мудофаа министрлиги билан бирга Қуролли Кучлардан бўшатиб олинаётган ҳарбий техникадан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиб, амалга оширишимиз шарт. Шу мақсадда қудратли илмий имкониятларимиздан фойдаланиш учун қулай шароит яратишимиз, академия фани билан алоқаларни чуқурлаштиришимиз лозим.

Тармоқнинг сафарбарлик қувватларини вужудга келтириш ва уни жанговар шай ҳолда сақлаб туриш, шу билан бирга мудофаа корхоналарининг соҳасини ўзгартириш масалаларини чуқур ишлаб чиқиш зарур. Айни вақтда ишлаб чиқариш умумий ҳажмида махсус техниканинг салмоғини анча қисқартириш, соғлиқни сақлаш, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати, аграр сектор, савдо ва умумий овқатланиш соҳаси, шунингдек халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаси эҳтиёжлари учун машиналар ва ускуналар ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтириш мўлжалланган.

Тармоқ корхоналарида социал қулайлик яратиш, хавфсизлик техникасига риоя этиш, кескинлашган экологик муаммоларни бартараф қилиш масалаларига жиддий эътибор бериш режалаштирилмоқда.

Министрликка номзод ҳамма ерда хўжалик юритишнинг янги шартларига, ижарани кенг жорий этишга ўтилишини тармоқни комплекс ва барқарор ривожлантиришнинг омили, деб атади. Бу эса тармоқдаги мавжуд юқори малакали кадрларни сақлаб қолишга ҳам имкон беради.

Б. М. Белоусов кўпчилик овоз билан СССР мудофаа саноати министри қилиб тайинланади.

О. Н. Шишкинни СССР умумий машинасозлик министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги масала депутатларнинг муҳокамасига қўйилади.

Раислик қилувчи **О. Н. Шишкинга** сўз беради. Стратегик йўналишдаги қурол-яроғларни оқилона етарли даражада ва 50 процент қисқартирган ҳолда сақлаб туриш бугунги кунда тармоқ олдида турган муҳим вазифаларнинг биридир, деб таъкидлади нотиқ. АҚШ стратегик мудофаа ташаббусига қарама-қарши туришнинг номутаносиб вариантини таъминлаш ва бунда космосни ҳарбийлаштиришга йўл қўймаслик зарур. Нотиқ тармоқ корхоналарининг космик кемалар коммерсия учишларида янада фаолроқ қатнашишларини ёқлаб гапирди.

Нотиқ конверсия масалаларини тилга олиб, тармоқни мураккаб социал вазифаларни ҳал этишга жалб қилиш йўлларини кўрсатиб берди. У министрлик корхоналари совет кишиларининг эҳтиёжларини қондириш учун космосга учиришдан фойдаланишга имкон берадиган турли программаларда иштирок этаётганлиги ҳақида аниқ-равшан мисоллар келтирди. Жумладан, телевидение алоқаси ва системасини яхшилашда тармоқдан ёрдам олиш кўзда тутилмоқда. Медицина техникаси, инвалидлар учун турли буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалари рўёбга чиқарилмоқда.

Депутатлар **П. М. Клишчук** ва **Е. Н. Оулбеков** умумий машинасозлик министри лавозимига номзод ва тармоқдаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги ўз фикрларини ўртоқлашдилар.

СССР Олий Совети О. Н. Шишкинни СССР умумий машинасозлик министри қилиб тайинлайди.

СССР темир йўллар министри лавозимига Н. С. Конарев тавсия қилинади. У министрлик фаолияти концепциясини қисқача баён этиши учун минбарга таклиф қилинади.

Н. С. Конарев тармоқдаги ишларнинг аҳволини батафсил таҳлил этди. Темирйўлчиларнинг тўрт миллионли армияси, деди у, муҳим халқ хўжалик вазифаларини бажариш устида зўр ғайрат ва масъулият билан меҳнат қилмоқда. Бугун темир йўл деганимизда юклар ва йўловчиларни ташиётган поездлар, 32 та йўл, 160 та бўлим, 11 минг станция, 13 та метрополитен, 104 та завод, кўплаб касалхоналар, поликлиникалар, болалар муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг иши кўз олдимизга келади. Темир йўлларда бир вақтнинг ўзида 60 мингга яқин поезд қатнайди. Ўтган йили 9,2 миллиард йўловчи, 4,1 миллиард тонна юк ташилди.

Ўн йиллар мобайнида темир йўлларнинг аҳволи ёмонлашиб борди, деб сўзида давом этди номзод. Беш йилликнинг уч йили ичида анча ишлар қилинди ва аҳвол бирмунча ўнгланди. Лекин ишлардан тўла қониқаётганимиз йўқ. Энг аввало моддий-техника базасининг аҳволи, капитал маблағларнинг етишмаслиги, темир йўлларга зарур бўлган барча таркибий қисмларнинг амалда тақчиллиги безовта қилмоқда. Темир йўлларимизнинг узунлиги жаҳон кўрсаткичининг 12 процентини ташкил этади, бинобарин, совет темир йўллари ташиётган юклар ҳажми жаҳон темир йўлларида ташилаётган юкларнинг ярмидан ҳам ортиб кетади.

Темир йўлларни тубдан реконструкция қилиш ва такомиллаштириш юзасидан тайёрланган программа ҳалигача қабул қилинмади. Бу масалани жойидан зудлик билан силжитиш зарур. Фан ва техника ютуқларидан жадал фойдаланиш, план топшириқларини бажаришда куч-ғайратларни жамлаш, темирйўлчиларнинг турмуш даражасини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, ҳаракат хавфсизлигини ошириш ва хизмат маданиятини юксалтириш керак.

Н. С. Конарев юклар ва пассажирлар ташишнинг ўн йиллар мобайнида ўзгармаган тарифларини қайта кўриб чиқиш, юк олувчиларнинг ўзларига юборилган юкларни ўз вақтида қайта ишлаш учун жавобгарлигини ошириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйди.

Таклиф этилган номзоднинг амалий, ташкилотчилик фазилатларига, тармоқдаги ишларнинг аҳволига баҳо беришда депутатлардан **В. И. Колесников, С. Л. Хариф, С. И. Матвейчук, С. В. Бойков, А. П. Орехов, А. А. Сапегин, Л. И. Матюхин, С. Н. Хожиев, А. А. Генчев** ва бошқалар қатнашдилар. Депутатларнинг нутқларида даъвогар шанига қаттиқ танқидий фикрлар айтилди, унинг министрлик олдида турган муҳим вазифаларни бажаришга қодирлиги хусусида шубҳа билдирилди.

СССР Олий Совети кўпчилик овоз билан Н. С. Конарев номзодини рад этади.

Сессия ишида танаффус эълон қилинади. Танаффус давомида СССР халқ депутатлари А. А. Громико билан видолашадилар.

Раислик қилувчи атоқли давлат арбоби А. А. Громикони Новодевичье қабристонига дафн этишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаётган меҳнаткашлардан СССР Олий Совети Президиуми номига телеграммалар келганлигини хабар қилади.

Шу муносабат билан марҳумнинг беваси ва бутун оиласининг илтимосига биноан А. А. Громикони Новодевичье қабристонига дафн этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги хусусида тушунтириш берилади.

Танаффусдан кейин депутатлар СССР Министрлар Советининг состави тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирдилар.

СССР радио саноати министри лавозимига В. И. Шимконинг номзодини кўриб чиқиш таклиф қилинади.

В. И. Шимко минбарга чиқади. Янги мудофаа доктринаси шароитида радиоэлектроника системаларининг аҳамияти доимо ошиб бормоқда, деди у. Мамлакат қуролли кучларининг бирон тури радио саноати министрлиги ишлаб чиқарадиган техникасиз ишлай олмайди.

Нотиқ тармоқ коллективлари қандай муаммоларни ҳал этаётганликлари хусусида гапирди. Унинг фикрича, ҳозирги кун талабларигагина эмас, олис келажак талабларига ҳам мос келадиган система ва комплексларни ишлаб чиқиш ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, нотиқнинг фикрича, янги техника намуналарини яратиш муддатларини қисқартириш ва уларни арзонлаштиришга эришиш муҳимдир. Техникавий воситалардан қуролли кучлардагина эмас, шу билан бирга, граждан авиацияси министрлигида, метеорология хизматида, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам фойдаланиш имконияти бўлиши учун шу воситаларни бир хиллаштириш ҳам зарур. Масалан, кўп марта фойдаланиладиган «Бўрон» кемасини қўндиришнинг министрлик корхоналарида яратилган системасини турли типларга мансуб самолётларни ҳар қандай обҳаво шароитида қўндириш системаси учун бемалол мослаштириш мумкин.

СССР министри лавозимига номзод ўз нутқининг анчагина қисмини ҳарбий саноат фаолиятини ўзгартириш масалаларига бағишлади. Рўзғор техникаси, савдо ва умумий овқатланиш учун керакли асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Нотиқ тармоқлараро техникавий ҳамкорлик тўғрисида, аниқ-равшан мақсадларга эришиш учун турли идораларни бирлаштириш тўғрисида ўз мулоҳазаларини айтди.

Таклиф қилинган номзод юзасидан бошланган мунозарада депутатлардан **В. А. Лабунов, З. К. Матеушук, В. С. Подзирук, Е. П. Велихов** қатнашдилар.

В. И. Шимко СССР радио саноати министри этиб тайинланади.

СССР Министрлар Совети томонидан СССР балиқ хўжалиги министри лавозимига тавсия этилган Н. И. Котляр номзодини муҳокама қилиш таклиф қилинади.

Н. И. Котляр минбарга таклиф қилинади. Нотиқ ўз программасини баён этар экан, тармоқнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшаётган ҳиссасини янада кўпайтиришни ҳозирги босқичда шу тармоқнинг энг муҳим вазифалари қаторида тилга олди. Бунинг учун, жумладан, қайта ишлаш қувватларини анча кўпайтириш, балиқ овлаш флотини обдон янгилаш ва унинг техника билан таъминланиш даражасини ошириш зарур. Совет балиқ овлаш флотини дунё океанининг маҳсулотга бой регионларида мустаҳкам ўрнаштириш билан боғлиқ бўлган кўпгина адлия, сиёсат ва коммерция муаммоларини ҳал қилиш, ички сув ҳавзаларида кўпроқ балиқ етиштириш керак.

Тармоқни бошқариш структурасини такомиллаштириш, уни маҳаллийлаштириш ва хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларини жорий қилиш салмоқли вазифадир. Бу иш бошлаб юборилган бўлса ҳам, аммо жуда суст силжимоқда. Чет элларнинг энг яхши тажрибасини ҳисобга олиб, ўткир экология муаммоларини ҳал этишга ва балиқни муҳофаза қилиш системасини қайта қуришга кўпроқ эътибор бериш лозим.

Номзод денгизчилар ва улар оилаларининг меҳнат ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш зарурлигини таъкидлади, XIII беш йилликда тармоқнинг социал соҳасини ривожлантиришга ажратиладиган капитал маблағ ҳажми ҳозирги план даврига нисбатан икки ҳисса ортишини маълум қилди.

Н. И. Котляр депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Депутатлардан **В. В. Косигин, В. В. Сватковский, О. М. Егоров, А. В. Яблоков** танқидий мулоҳазаларини, тармоқ ишини яхшилаш йўллари ҳақидаги фикрларини айтдилар.

Н. И. Котляр СССР балиқ хўжалиги министри этиб тайинланади.

СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри лавозимига тавсия этилган В. Г. Чирсков номзоди депутатларнинг муҳокамасига қўйилади.

Тармоқ фаолиятининг программасини баён этиб бериш учун **В. Г. Чирсковга** сўз берилади.

Мен ишлаб турган тармоқ шанига бир қанча танқидий мулоҳазалар айтилмоқда, деб тан олди нотиқ. Номзод бу мулоҳазаларни асосли, деб ҳисоблаб, уларни тузатиш йўлларига тўхталди. Жумладан, тармоқдаги иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш, ташкилий структураларни такомиллаштириш, ижарани, кооперацияни ривожлантириш, паст рентабелли ишлаб чиқаришларни тугатиш зарурлигини таъкидлади.

Нотиқ хўжасизликка қарши фаол курашишни резервлар қаторида тилга олди. Унинг фикрича, ҳозирнинг ўзидаёқ моддий ресурсларнинг нормативдан ортиқ запасларини 1 миллиард сўмлик миқдорда қисқартириш мумкин.

СССР министри лавозимига номзоднинг назарида беш йилликнинг мактаблар, болалар муассасалари, касалхоналар, клиникалар қуриш топшириқларини анча ошириб бажариш, тармоқни социал программаларни янада зўр ғайрат билан бажариш томонга буриб юбориш мумкин. Жумладан, яқин вақт ичидаёқ қишлоқларни газлаштириш ҳажми анча кўпайтирилади.

Тармоқ мутахассислари аввалги ўз фаолиятларини танқидий таҳлил этиб чиқдилар, аниқланган камчиликларни тугатишнинг истиқбол программасини белгилаб олдилар, деди сўнгра нотиқ.

Нотиқ экология масалаларига ҳам тўхталди. Бу ишда тартиб ўрнатиш зарурлигини тан олди. Тармоқда ишлаб чиқилган программа экология сиёсатини янги поғонага кўтариш имкониятини беради, деди у.

Таклиф этилган номзодни ҳамда нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни муҳокама қилишда депутатлардан **И. И. Мисуна, Р. П. Ругин, Н. Н. Воронцов, М. М. Сафин, Б. Н. Никольский, В. И. Кисин, Б. Н. Ельцин** қатнашдилар. Мунозара давомида номзод ва у бошчилик қилаётган тармоқ шанига жиддий мулоҳазалар айтилди, аниқ-равшан таклифлар киритилди.

СССР Олий Совети В. Г. Чирсковни СССР нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри қилиб тайинлайди.

Депутатларга И. В. Коксановни СССР кемасозлик саноати министри лавозимига тайинлаш таклиф қилинади.

Раислик қилувчи СССР ҳукумати составига кўрсатилган номзодни минбарга таклиф қилади.

И. В. Коксанов келгуси йиллардаги иш программасини баён этиб ва депутатларнинг саволларига жавоб қайтариб, жумладан, шуни маълум қилдики, тармоқ корхоналари кемасозлик билан бир қаторда медицина ва озиқ-овқат саноати учун, савдо ва аграр сектор учун машина ва ускуналар, приборлар, технология линиялари ҳам ишлаб чиқармоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда. 1989—1990 йилларнинг ўзида бундай моллар ишлаб чиқариш 40 процент кўпайтирилади.

Яқин даврда, деб уқтирди номзод, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш манфаатларини тўлатўкис таъминлаш зарур. Кемасозлик корхоналарида янги хўжалик механизмини кенг жорий қилиш — белгиланган режаларни бажаришнинг асосидир. Шу сабабли хўжалик ҳисобини чуқурлаштириш, ижарани кенгроқ жорий этиш керак. Ҳарбий корхоналар фаолият соҳасини ўзгартириш давомида тармоқ халқ хўжалиги учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиради. Кемасозларнинг социал-маиший талабларини ҳал этишга, ишлаб чиқилган экология программаларини амалга оширишга катта эътибор бериш мўлжалланмоқда.

Кейинги вақтларда Ҳарбий-Денгиз Флотида рўй берган авариялар муносабати билан И. В. Коксанов кемаларнинг нормал фаолиятини таъминлашни яхшилаш учун нималар қилинаётганини айтиб берди.

Муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиққан депутат **В. А. Полинский** ўз мулоҳаза ва таклифларини айтди.

Кўпчилик овоз билан И. В. Коксанов СССР кемасозлик саноати министри этиб тайинланади.

В. А. Брежневни СССР транспорт қурилиши министри лавозимига тайинлаш тўғрисидаги масала сессия муҳокамасига қўйилади.

В. А. Брежневга тармоқнинг келгусидаги фаолияти концепциясини баён этиб бериш таклиф қилинади.

Нотиқ транспорт қурувчилари зиммасига темир йўл ва автомобиль йўллари, кўприклар, метрополитенлар, бошқа муҳим объектлар қурилиши юклатилганлиги ҳақида гапириб, тармоқ барқарор ишлаб турганини маълум қилди, ўз фикрини исботлайдиган маълумотларни айтиб берди. Ҳозир министрликнинг меҳнат коллективлари ўз кучлари билан 7 миллиард сўмликдан кўпроқ иш бажармоқдалар. Шу ишнинг атиги бир неча процентинигина бошқа министрлик ва идораларнинг ташкилотлари бажариб бермоқдалар.

Нотиқ тармоқнинг ички муаммоларига тўхталиб, социал соҳанинг муаммолари жуда ўткир эканлигини айтди. Бизнинг турмуш тарзимиз кўчманчиликдан иборат эканлиги ва шундан келиб чиқадиган оқибатларга кўникиш зарурлиги кўп вақтдан буён гапириб келинар эди. Ҳозир уй-жой қуриш суръатлари ошмоқда.

Чала қолган қурилишлар — тармоқнинг энг танг соҳаларидан биридир. Ўзини ўзи пул билан таъминлашга ва ўз харажатларини қоплашга дадил ўтиш йўли билан мана шу вазиятдан қутилиш мумкин. Мазкур схемада бир ярим йил ишлаш ижобий натижалар берди. Транспорт қурилиши технологиясини ривожлантиришда дунёдаги энг юқори даражага эришиш программаси ишлаб чиқилди. Бу программада ишларни бажариш муддатларини қисқартириш, сифатини яхшилаш, материал сарфи ва қўл меҳнатини камайтириш кўзда тутилган. Ҳужжат ҳар бир меҳнат коллективида муҳокама қилинди, ҳозир унинг қоидалари амалга оширилмоқда.

Депутатлардан **Ғ. Паллаев, Н. Ф. Балешев** сўз олиб В. А. Брежневнинг номзоди, министрликдаги ишларнинг аҳволи ҳақидаги ўз фикрларини айтдилар.

В. А. Брежнев СССР транспорт қурилиши министри қилиб тайинланди.

СССР Олий Советининг сессияси СССР Олий Совети комитетлари составига депутатлар бир группасини қўшимча равишда сайлаш ва айрим депутатларни бир комиссиядан иккинчисига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Депутатлар тартиб-қоида тусидаги баъзи масалаларни муҳокама қилдилар.

Депутатлардан бир группаси 4 июль куни совет ҳарбий самолёти билан рўй берган можаро хусусида сўров билан мурожаат этди. СССР Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари генерал-полковник **Б. А. Мелничев** шу масала юзасидан маълумот берди.

Палаталарнинг қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

* * *

6 июль эрталаб соат 10. Раислик қилувчининг қўнғироғи тинди ва ғала-ғовур босилди. СССР Олий Советининг мажлислар залига сукунат чўкди. СССРнинг янги ҳукуматини тузиш давом этмоқда. Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** Н. И. Рижковнинг таклифига кўра СССР станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри вакант лавозимига Н. А. Паничев тавсия этилганлигини маълум қилади. У 1986 йилдан буён ана шу тармоққа бошчилик қилмоқда. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати ходимларининг кўпгина активлари фикрини ҳисобга олиб, ана шу номзод кўрсатилган.

Н. А. Паничев номзоди ҳақидаги таклиф Иттифоқ Советининг тегишли комиссияси кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

В. М. Величкони СССР оғир машинасозлик министри лавозимига тайинлаш тўғрисидаги масала депутатларнинг кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

В. М. Величко қисқача нутқ сўзлаш учун минбарга чиқади. Унинг фикрича, министрликнинг кўпгина кундалик вазифалари корхоналарга берилиши, министрлик эса асосий диққат-эътиборни ривожланишнинг стратегик вазифаларини ҳал этишга жамлаши керак. Нотиқ мисол сифатида корхоналар уюшмалари ва бирлашмалари тузилганлигини тилга олди. Бу жараён СССР Оғир машинасозлик министрлигида қўллаб-қувватланди.

Ҳукумат аъзолигига номзод тармоқнинг фаолиятини таҳлил этар экан, корхоналарни реконструкция қилиш ва техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш суръатларини анча ошириш, ускуналардан яна ҳам самаралироқ фойдаланишга эришиш зарурлигини таъкидлади. Илмий потенциалдан яхшироқ фойдаланиш керак.

Депутатларга халқ хўжалигининг турли ускуна ва техникага бўлган эҳтиёжи қандай қондирилаётгани ҳақида ахборот берилди. Нотиқ корхоналарнинг асосий фондларини янгилаш, ресурсларни тежаш, материаллар ва меҳнат сарфини иқтисод қилиш программаларини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган иш ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Хўжалик ҳисоби муносабатларини такомиллаштириш масалалари нутқда муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, министрлик фаолияти программасида, аввало, молиявий ва шартномавий интизомни кучайтириш, министрликнинг инвестиция банкини очиш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш назарда тутилмоқда, деди нотиқ.

Депутатлардан **В. П. Лукин, С. М. Катилевский, Н. М. Манько, Н. И. Бабченко, К. В. Фролов, Э. А. Памфилова, В. М. Вологжин** тармоқдаги муҳим муаммолар, уларни ҳал этишда министрлик лавозимига даъвогарнинг роли хусусида гапирдилар.

Сессия В. М. Величкони СССР оғир машинасозлик министри этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

(ТАСС).

А. А. Громико билан видолашув

5 июль куни Москва мамлакатимизнинг йирик сиёсат ва давлат арбоби, иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Андрей Андреевич Громико билан видолашди.

Совет Армияси марказий уйи. Бу ерда, қизил байроқли залда, гуллар билан ўралган шоҳсупага марҳумнинг жасади солинган тобут ўрнатилган. Алвон ранг ёстиқчаларга А. А. Громиконинг давлат лавозимларида кўп йиллик фаолияти тақдирланган мукофотлар: Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккита «Ўроқ ва болға» олтин медали, еттита Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, СССР медаллари қўйилган.

Залда гулчамбарлар жуда кўп. Улар орасида, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети, СССР Министрлар Советидан гулчамбар бор.

Дафн маросимини уюштирувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари биринчи бўлиб мотам вахтасини ўтадилар. В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, К. К. Лигачев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов ўртоқлар фахрий қоровулда туришди.

Сўнг коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарлари А. А. Громиконинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилишди.

Москваликлар марҳумга чуқур ҳурмат бажо келтириш учун қизил байроқли залга келишди. СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари, СССР халқ депутатлари, министрлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар тобут олдида мотам вахтасида туришди.

Марҳум хотирасини ҳурматлаш учун чет мамлакатларнинг Совет Иттифоқида жойлашган дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари келишди.

А. А. Громико дафн этилган Новодевичье қабристонида мотам митинги бўлди.

(ТАСС).

Ҳушёрликни оширайлик

Фарғонадаги фожиали воқеалар республикада яшовчи ҳар бир кишининг қалбида чуқур жароҳат қолдирди.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетида матбуот ходимлари билан бўлган учрашувда республикадаги бугунги вазият ва уни барқарорлаштиришда хавфсизлик органлари вакилларининг иштироки ҳақида сўзлаб берилди.

— Фарғона областида бўлиб ўтган воқеалардан кейин, — дейди республика Давлат хавфсизлиги комитети матбуот группаси бошлиғи А. Благородов, — кўпгина жойларда, чунончи Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Наманган областларида бошқа миллат вакилларини таҳқирловчи иғвогарлик руҳидаги варақалар, миш-мишлар тарқалиб, аҳоли осойишталиги бузилмоқда. Иғвогарларнинг кўпчилиги аниқланди, қолганларини қидириш давом этмоқда.

Фарғонадаги воқеалар мобайнида безорилардан анчагина ўт очувчи ва бошқа қуроллар, ёнилғи билан тўлдирилган шишалар тортиб олинди. Бироқ ҳозир ҳам айрим қонунбузарлар ёмон ниятларидан қайтмаяптилар. Чунончи, Тошкент областидаги Ўрта Чирчиқ районида яшовчи М. 20 та портловчи мослама тайёрлаган. Шунинг 13 таси топилди. Қолганлари ҳам қидириляпти. Афсуски, бундай фактлар ягона эмас. Буларнинг ҳаммаси бизни хушёрликка ундаши керак.

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида ва республика меҳнаткашларининг мурожаатларида «Фарғонадаги воқеаларни нима учун Давлат хавфсизлиги органлари олдиндан билишмади? Нега фожианинг олди олинмади?» деган саволлар берилмоқда. Уларга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Биз жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг одамлар ташвишига, адолатли талабларига бефарқлиги омма ўртасида жиддий норозиликлар туғдираётганлиги ва буларнинг оқибати ҳақидаги маълумот ҳамда мулоҳазаларимизни вақтида тегишли органларга маълум қилиб борганмиз. Партия, совет, ҳуқуқ-тартибот органларининг аҳоли ўртасида олиб борган профилактик тадбирлари ва суҳбатларига қарамай Фарғона водийсида фожеий аланга чиқди. Оддий жанжалдан жиноятчилар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда фойдаландилар. Қувасойда юз берган кичик воқеани жиноятчилар тўдасига мансуб «пропагандистлар» гўё «турклар ўзбекларни калтаклади, зўрлади, болаларни нобуд қилди», дея таърифлаб, халқни қасос олишга чорлашди.

Тергов ва бошқа материаллардан олинган дастлабки хулосалардан ёнғинлар, хунрезлик ва қирғинларда жиноятчилар тўдасининг қўли борлиги сезиляпти. Улар одамларни ана шу қирғинга онгли равишда чорлашган. Бу ишлар юзасидан узил-кесил гапни фақат суддан кейин айтиш мумкин.

Давлат хавфсизлиги комитети бу мудҳиш воқеалар учун ўзидан жавобгарликни соқит қилмайди. Бундан ҳамма тегишли хулоса чиқариб олиши лозим. Ҳозир меҳнаткашларнинг сиёсий хушёрлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қолди. Чунки, ғоявий мухолифларимиз бизнинг нуқсонларимиздан социализм қадриятларини поймол қилишда ғоят устакорлик билан фойдаланишади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Демократиянинг кенгайиши, ошкоралик ва фикрлар хилма-хиллиги жамиятимизни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг зарур шартларидан бири эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бироқ демократия ва ошкораликни ҳар хил номаъқулчиликлар қилиш мумкин экан деб тушуниш ярамайди. Демократия ва ошкораликдан Совет Иттифоқи суверенитети ва территориал бутунлигига, халқлар дўстлигига раҳна солиш учун фойдаланишга қарши уринишларга нисбатан Давлат хавфсизлиги органларининг нуқтаи назари барчага маълум.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар, шунингдек, Фарғона воқеаларига доир айрим ҳужжатлар намойиш қилинди.

• Дўстлик ришталари

ҲАМРО РАИС БЎЛДИ

Хоразмлик деҳқонлар билан Калуга ва Кострома области деҳқонлари ўртасидаги алоқалар кенгаймоқда

Ҳисобот-сайлов йиғилиши қизғин ўтди. Мўъжаз клубга тўпланган колхозчилар кўнгилларидаги бор гапни тўкиб ташладилар. Уларнинг ҳаммаси ўйга толдирадиган, истиқболга ташвиш билан қарашга ундайдиган фикрлар эди. Негаки, колхоз қолоқлик ботқоғига тобора ботиб бормоқда. Ўтган йили экин майдонларининг анча қисми йиғиштириб олинмай қолди. Ҳар бир бош сигирдан 800 литрга етар-етмас сут соғиб олинди. Қаровсизликдан ҳосилдор ерлар, техника воситалари ишдан чиқяпти. Йўлсизлик азоби, озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги кишиларнинг жонига теккан. Йиғилиш аҳли правление раисини ўз лавозимига нолойиқ топди. Ўрнига кимни сайлаш керак? Тўғриси, хўжаликнинг ўзида муносиб кадрлар йўқ. Боиси, айни кезда колхоздаги бутун ишлар кексалар ва пенсия ёшига бориб қолган кишилар зиммасида. Ёшлар аллақачондан буён мактабни тугатишлари билан шаҳарга кетиб қолишади. Шу боис район партия комитети Ҳамро Қурназаров номзодини кўрсатди. У ўз программасини баён этар экан, асосий мақсадни хўжаликни тўла ижара пудратига ўтказишга қаратди. Бу фикр ҳаммани ўйлантириб қўйди. Ҳақиқатан ҳам ижара пудратига ўтиб ишлаш қаёқда-ю, колхознинг бугунги аҳволи қаёқда?

— Яхши, биз бу таклифга рози бўлайлик, — деди сўзга чиққан деҳқонлардан бири. — Лекин колхозни ҳозирги аҳволидан олиб чиқишга шахсан ўзингизнинг ишончингиз комилми? Раҳбарлик тажрибангиз, уқувингиз етадими?

— Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам мени янги очилган совхозга раҳбар қилиб тайинлашган эди, — деди у. — Бориб кўрсам бийдай дала. Қум ва буталардан бўлак ҳеч нарса йўқ. Шу ерда хўжаликни ташкил қилдик. У тез орада юқори ҳосилли шоликор совхозга айланди, уй-жойлар, боғ-роғлар қад ростлади.

Сизнинг колхозингизда яхши база бор. Фақат ишни оқилона йўлга қўйиш, бир қатор уй-жой биноларини тиклаш зарур. Турган гапки, ишчи кучини таклиф этмасдан туриб, бу масалаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Хуллас, кўпчилик овоз билан Ҳ. Қурназаров колхозга раис қилиб сайланди. Албатта, айни кун учун бундай ҳол янгилик эмас. Демократия шарофати туфайли ҳар бир коллектив ўзларига раҳбарни шу йўсинда танлаши одат бўлиб қолди. Фақат юқорида ҳикоя қилинган воқеа Ўзбекистонда эмас, Калуга область Ульяновск районидаги «Красная знамя» колхозида бўлганлиги, бу ерда колхозчилар ўзларига раисликка ҳамюртимизни сайлашганлиги билан характерлидир.

Шу йил бошида Янгиариқ районига ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун калугалик партия, совет, хўжалик ходимлари ташриф буюришди. Янгиариқликларнинг ҳаёти билан атрофлича танишишар экан, айниқса уларнинг меҳнат муваффақиятлари, ишни ташкил этиш маҳоратлари, ижро интизоми меҳмонлар эътиборини тортди. Шу асосда калугаликлар хоразмликлардан хўжаликларини кўтариб беришда кадрлар масаласида ёрдам сўрашди. Мезбонлар бажонидил рози бўлдилар. Кўп ўтмай, Ульяновск районига ўзи билан бир неча кишини олиб, Ҳ. Қурназаров жўнаб кетди.

Янги раис колхоз ҳаёти билан танишган сари бир нарсага амин бўла борди. Деҳқонлар меҳнаткаш, ўз тупроғига меҳр қўйган кишилар. Уларнинг меҳнат ва муҳаббатлари ҳар қанча ардоққа лойиқ. Лекин турғунлик даврининг барча асоратлари Россиянинг мана шу бурчагига ҳам ўз тамғасини босмасдан қолмаган. Қишлоқлар аҳолисининг аксарияти қариялар. Бутун бир катта колхозда мактаб ва боғчага атиги олти нафар бола қатнайди... У ўша ерда колхозни ижара пудратига ўтиб ишлаш, ҳамюртларини бу ерда ишлашга жалб этиш туфайлигина кўтариш мумкинлигига яна бир карра амин бўлди.

Яқинда Қурназаров билан Янгиариқ район партия комитетида учрашиб қолдик. У 32 нафар ҳамюртини ўз хўжалигига кўчириб кетишга келган экан. Улар орасида оилалилар ҳам бор. Калугада ишлашга розилик билдирганлар билан ўзаро шартнома тузилибди. Унга мувофиқ, колхозчилар бир йил, мутахассислар беш йилгача ишлаб беришлари керак. Хоҳловчилар бу муддатни истаганча узайтиришлари мумкин.

— Хўжаликни тўла ижарага олдик, — дейди Ҳ. Қурназаров. — Қисқа вақт ичида, ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш қарийб икки бараварга кўпайди. Техника ремонти тугатилиб, экин ишлари қизғин олиб борияпти. Кўчиб бораётганлар учун 5 та уй солдик...

Омилкор раҳбарнинг хўжалик ўз ўмганини кўтариб олишига, топшириқлар оширилиб бажарилишига ишончи комил. Шартномадан зиёд маҳсулотларни эса, улар истаган жойга, шу жумладан Янгиариқ районига ҳам келтириб сотиш режаларини тузишяпти.

Ўша куни райкомда Калугага жўнаб кетаётганлар билан суҳбат бўлди. Ҳамманинг дилидаги фикрларни Янгиариқ район партия комитетининг биринчи секретари Эгамберган Ҳакимов шундай ифодалади:

— Сизлар дўстлар диёрида ажойиб меҳнатингиз, намунали одобингиз билан ибрат бўлишларингиз керак. Айни пайтда калугаликларнинг меҳнат, маданият ва урф-одатларидаги энг яхши қирраларини ўрганишларингиз, тарихни билишга интилишларингиз, ўзимиздаги бор ибратли жиҳатларни уларга ўргатишларингиз зарур. Мана шундай ишласак ва яшасаккина заминда ҳам, одамлар қалбида ҳам кутлуғ из қолдирамиз. Биз ҳам сизлардан шуни истаймиз, юртга ёруғ юз билан қайтишингизни кутамиз.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Область ижроия комитетининг раиси Қ. Ҳалимбетов шарҳи:

— Ҳар бир эзгу ишнинг муқаддимаси бўлади. Хоразмликларнинг Россиядаги бир қатор областлар билан ўзаро дўстлик алоқалари кадрларни тарбиялашдаги ёрдам туфайли вужудга келди. Бир группа хоразмлик партия ходимлари Кострома областига стажировкага юборилган эди. Улар ўзларининг партиявий малакаларини ошириш жараёнида мазкур область ҳаёти билан яқиндан танишишди. Бу ерда мўл бўлган нарсалар Хоразмда танқис, аксинча бизда кўп нарсалар у ерда тақчиллиги эътиборни тортди. Масала равшан эди. Мавжуд етишмовчиликларни муайян даражада бартараф этиш учун ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган алоқаларни йўлга қўйиш тақозо этиларди. Бизга ана шундай йўл тутишга мамлакатимизда бошланган қайта қуриш туфайли имконият яратилди.

Ўтган йили ноябрь ойида Галич районидаги «Искра» колхозида «Хоразм» кооперативи иш бошлади. У 1580 гектар экин майдонини, 250 бошдан ортиқ сигир ва бузоқни ижарага олди. Унинг аъзолари шовотлик 16 киши, 4 оила ва галичлик колхозчилардан иборат бўлди.

Дастлабки натижалар чакки эмас. Ўтган вақт мобайнида бу ерда сут соғиб олиш икки бараварга кўпайди, ҳар йили экилиб-экилмай келаётган, ҳосилдорлик жуда паст бўлган экин майдонларида биринчи маротаба баҳорги ишлар ўз вақтида тўла амалга оширилди. Чунки, ер ва ферма ўзининг ҳақиқий хўжайинига эга бўлган эди.

Ушбу кооперативнинг фаолияти дўстларимизга маъқул бўлди. Улар колхозни оёққа турғизишга кенгроқ ёрдам кўрсатишни таклиф этдилар. Биз ушбу таклифга рози бўлиб, шу ерда яқинда иккинчи кооперативни ташкил қилдик. У 800 гектар экинзор ва ўтлоқзорга эгалик қилиб, бўрдоқичилик ишлари билан шуғулланаяпти. Колхоз правлениеси фермаларни зарур машина, техника воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаб турибди.

Шовотликлар бошлаб берган ташаббусни Хоразм областининг бошқа районлари ҳам қўллаб-қувватлашди, баъзи районлар уларга ўхшаб кооперативлар ташкил этаётган бўлса, бошқалари худди янгиариқликлар сингари бутун хўжаликларни ижарага олишяпти. Умуман ҳаммаси бўлиб, айни пайтда хоразмликлар Кострома ва Калуга областларида 29,5 минг гектар майдонни, 4500 бош турли зотли молларни ижарага олишган. Шартномага мувофиқ, фермерлар топшириқдан ташқари етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истаган жойга сотишлари мумкин. Бизни эса, хусусан ёғоч материаллари, картошка ва бошқа маҳсулотларни кўпроқ областимизга келтириш қизиқтиради.

Кўриниб турибдики, яқинда бошланган ишлар тобора кенг кўлам касб этяпти. Табиийки унинг муваффақиятини таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Бу аввало оқил, ишчан раҳбарликни, меҳнатсевар кишиларни тақозо этади. Россиянинг бу зонасидаги қишлоқларда ишчи кучининг етишмаслиги ҳаммамизга маълум. Шу боис ижарага олинган жойларда ишлашга хоразмлик ишчи ва раҳбарлар бир беш йиллик муддатга шартнома тузиб боришяпти. Улар орасида бир қанча оилалар ҳам бор. Биз шуни ҳисобга олиб, уларнинг узоқ жойларда ишлаган пайтлари давомида ҳовли-жойи, томорқаси ҳамда иш вазифаларини сақлаб туришга қарор қилганмиз.

Турган гапки, ҳар бир янги ишдаги каби Россиядаги хўжаликларда ижарачиликни ташкил этишда ҳам муаммоларга дуч келиняпти. Иқтисодий масалалар маҳаллий органларнинг яқиндан бераётган ёрдами туфайли ҳал этилмоқда. Лекин бизни мактаб, боғча масалалари бир оз қийнаяпти. Боиси анча оилалар фарзандларини ўзлари билан бирга кўчириб кетишган, уларнинг ўзбек тилидаги ўқиши ва тарбиясини ташкил этиш учун ўқитувчи, тарбиячиларни, китобларни йўллаш зарур бўлади. Биз ҳозир ана шу масалани ижобий ҳал қилиш устида иш олиб боряпмиз.

Маълумки, Россиянинг табиати баҳаво ва гўзал. Шуни ҳисобга олиб, у ерда биз воҳамиз болаларининг ёзги таътилда дам олишларини ташкил этмоқчимиз. Шунингдек, калугалик ва костромаликлар билан маданий ва маърифий алоқалар ўрнатилиши тобора реаллик касб этиб боряпти.

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленумида ижаранинг хилма-хил формаларидан фойдаланиш зарурлиги таъкидланиб, мамлакатимизнинг айрим регионларидаги каби Россиянинг ташландиқ ерлари, хуторларини ўзлаштиришда бу усуллар жуда қўл келишига эътибор қаратилди. Хоразмликлар худди шу йўналишдаги дастлабки қадамларини муваффақиятли бошлашди. Аминмизки, улар меҳнатининг пировард натижалари ҳам муваффақиятли бўлади, ўзбек ва рус халқларининг ўзаро фойдали социал-иқтисодий, маданий алоқалари ривожланиб боришига муносиб ҳиссасини қўшади.

БЎЛИҚ БОШОҚЛАР

Айни кунларда серқуёш ўлкамизнинг ғаллазорларида долзарб дамлар давом этяпти. Қир-адирларда етилган бўлиқ бошоқлар йиғиштириб олинмоқда. Сирдарё область Дўстлик районидаги Қ. Раҳимов номли совхоз далаларида ҳам қизғин меҳнат симфонияси баралла янграмоқда. Далаларда ўрим комбайнлари жавлон ураётир.

Бу йил хўжалик деҳқонлари астойдил меҳнат қилишди. Ғаллазорлар ўз вақтида озиқлантирилди. Меҳр билан парваришланди. Натижада барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозиргача совхоз бўйича 160 гектар майдондаги ғалла ўриб олиниб, ўрнига пешма-пеш маккажўхори уруғи қадалди.

Совхозда йиллик план-топшириқларини доимо ортиғи билан бажариб келаётган коллективлар сафи кенгайиб бораётир. Хўжаликка қарашли «Дўстлик» кооперативида ғалладан юқори ҳосил етиштирилди. Эшонқул Раҳимов бошлиқ звено коллективи буғдой ўримини тобора қизитмоқда. Миришкорлар 40 гектар майдонга барака уруғи сепишганди. Айни кунда ҳар гектар майдондан пландаги 31 центнер ўрнига 35 центнердан сифатли дон ўриб олишаётир. Шуниси диққатга сазоворки бу ерда сомон ҳам ўз вақтида прессланиб, чорва қишлайдиган жойларга келтириб қўйилаётир. Экиндан бўшаган майдонларга пешмапеш маккажўхори уруғи қадаляпти.

Звено бошлиғи Эшонқул Раҳимов билан бош инженер Маъмур Алиқулов эндиги навбатда амалга ошириладиган ишларни режалаштирмоқдалар. Ўнгда эса илғор комбайнчи Жўрабой Тўраев. Пастда буғдой ўрими қизғин.

У. ҚЎШВОҚОВ суратлари.

ХУШХАБАРЛАР

✦ Андижон механика заводида ишлаб чиқариш ўзлаштирилган аппарат темир йўл фалокатининг ва ҳаракат состави шикастланишининг олдини олишга кўмаклашади. Қурилма вагонлар тўқнашиб кетган чоғда зарба кучини анча камайтиради. У рефрижераторлар, портлаш хавфи бўлган цистерналар, автомайдончалар учун айниқса қўл келиб, уларни сақлашни яхшилаш билан бирга қатнов тезлигини ва юк ортиш-тушириш ишларини икки баравар ошириш имконини беради.

✦ Андижон ип газлама комбинати Покистонга — Ўзбекистонда машҳур бўлган «Меркурий» фирмасига хом сурп етказиб бера бошлади. Йилига 4,2 миллион метр ана шундай маҳсулот экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг эвазига андижонликлар тақчил моллар — эркаклар кўйлаклари, видеомагнитофонлар, юк ортиш-тушириш автоматлари оладилар. Комбинат Венгрия, Болгария, Финляндия, Югославия, Сингапур билан ҳам савдо-саноат алоқаларини ўрнатган.

(ЎзТАГ).

УНВОН МУБОРАК

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан республикамизнинг бир группа журналистларига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилди. Улар орасида «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси бўлими мудири **Муҳиддин Камолович ЖАЛОЛОВ** ҳам бор. Ҳамкасбимизни табриклаймиз.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ЭГАСИЗ ЭКИН»

Газетамизнинг шу йил 4 апрель сонида босилган юқоридаги сарлавҳали проблематик мақола юзасидан «Ўзбекистон» хўжалик ҳисобидаги республика давлат-кооператив бирлашмаси ва республика «Сортсемовощ» бирлашмасидан расмий жавоблар олинди.

«ЎЗБЕКИСТОН» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ БИРЛАШМАСИ шуни маълум қиладики, мақолада таъкидланган муаммолар республикада картошкачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади ва зудлик билан ҳал қилиниши лозим.

Ҳозир картошка етиштириш асосан четдан келтириладиган уруғликка боғлиқ бўлиб турибди. Республикамизга экиш учун тўққиз хил нав ўрнига ҳозир бошқа республикалардан 20—25 хил картошка нави келтирилмоқда. Улар одатда сифатсиз бўлиб, республикамиз шароитига мослашмаган. Шунинг учун улардан юқори ҳосил олиб бўлмаяпти. Бундан ташқари картошкачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш даражасининг пастлиги ҳам картошка етиштиришни барқарор даражада кўпайтиришга тўсқинлик қилаётир. Бу борада Қорақалпоғистон Автоном республикасида, айниқса, аҳвол ташвишли. Автоном республикада 1988 йилда картошка етиштириш плани атиги 30,9 процент бажарилганлиги фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорларига мувофиқ республикамиз аҳолисининг картошкага бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида 1995 йилга бориб ялпи маҳсулот тайёрлашни 600 минг тоннага етказиш, яъни 7 йил мобайнида 280 процент кўпайтириш мўлжалланган.

Лекин тармоқда ишни қайта қурмай туриб, кўзланган марраны эгаллаб бўлмайди. Хўжаликларнинг рентабеллигини таъминлаш, картошкачиликни фойдали соҳага айлантириш учун унинг ҳосилдорлигини гектар бошига камида 130 центнерга етказиш керак. «Ўзбекистон» хўжалик ҳисобидаги республика давлат-кооператив бирлашмаси мутахассислари бу вазифани бемалол бажарса бўлади, деб ҳисоблайдилар. Ҳозир республикамизда Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ва бошқа манфаатдор министрлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Автоном республикаси Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларидан иборат ташаббускор группа тузилган. Мазкур группа озиқ-овқат ва уруғлик учун картошкани ижара асосида етиштириш ва уни Ўзбекистон ССРга келтириш масалалари билан шуғулланади.

Бундан ташқари республикамизда картошка уруғчилигини яхшилаш бўйича жиддий ва таъсирчан чоралар кўриш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда 1989 йилда уруғлик картошка етиштириш учун 3,4 минг гектар ер ажратилди. Шундай майдонлар 1990 йилда 3,5, 1995 йилда 6,5 ва 2000 йилда 7 минг гектарга етказилади.

Бу йил картошка экиладиган майдонлар 5 минг гектарга кўпайтирилиб 28,3 минг гектарга етказилди. Ана шу ерларнинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 16 центнерга кўпайтириш мўлжалланяпти. Аммо 30 апрелда бўлиб ўтган совуқ натижасида 11 минг гектар ердаги картошка зарарланди.

Табиий офат туфайли келтирилган зарарни қоплаш учун мамлакатимизнинг бошқа регионларидан анчагина миқдорда уруғлик картошка келтирилди. Хўжаликларнинг картошкакорлари ўз навбатида омилкорлик билан иш тутиб белгиланган план ва мажбуриятларини бажаришга ҳаракат қилмоқда.

РЕСПУБЛИКА «СОРТСЕМОВОЩ» БИРЛАШМАСИ йўллаган расмий жавобда «Эгасиз экин» мақоласида кўтарилган муаммолар долзарблиги ва тўғрилиги таъкидланган. Картошкачиликда юзага келган ҳозирги аҳволнинг асосий сабабларидан бири — экин кичик-кичик майдонларга экилаётганлигидир. Картошкачиликка ихтисослашган йирик хўжаликлар йўқ ҳисоби.

Картошка танқислигининг асосий сабабларидан яна бири республикамиз тупроқ шароитига мос бўлган маҳаллий навларнинг жуда камлигидир. Ҳозир Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари томонидан етиштирилган «Зарафшон» навли картошкагина экиляпти.

Республикамизда картошка уруғчилигини яхшилаш учун ҳамма категориядаги хўжаликларда 1990 йилда картошка экиладиган майдонларни 42,5 минг гектарга, 1995 йилда 55 минг гектарга, 2 мингинчи йилда эса 67,5 минг гектарга етказиш керак. Ана шунда биз ялпи картошка ишлаб чиқаришни 1990 йилда 545 минг тоннага, 1995 йилда 694 минг тоннага, 2 мингинчи йилда 843 минг тоннага етказишимиз мумкин. Барча етиштириладиган картошка 100 та ихтисослаштирилган хўжаликлар ҳиссасига тўғри келмоғи ва уларнинг экин майдонлари камида 350-400 гектар бўлмоғи лозим.

Янгийўл, Булунғур, Қўрғонтепа ва Фарғона районларини бутунлай сабзавот ва картошка етиштиришга ихтисослаштириш даркор, деб ҳисоблаймиз.

Республикада маҳаллий картошка уруғлигини тайёрлашни йўлга қўйиш ва уни етказиб бериш учун қулай зоналарда жойлашган 14 та хўжаликларни ихтисослаштириш керак. Бу хўжаликларни товар картошка топширишдан бутунлай озод қилиш ва «Сортсемовощ» бирлашмаси ихтиёрига бериш зарур.

✦ КУЮНЧАК ГАЗЕТХОН МАКТУБИ

Ваъданинг ҳам чеки бор

Уч йил муқаддам Бухоро шаҳридаги Карл Маркс кўчасининг учинчи ва бешинчи проездларида яшовчи аҳолини электр энергияси билан таъминлаш ишлари ёмон аҳволдалиги, кечқурунлари чироқлар хиралашиб қолиши туфайли содир бўлаётган қийинчиликлар матбуот ва радио орқали қаттиқ танқид қилинган эди. Ўшанда Бухоро шаҳар электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари қуруқ ваъдалар бериб, аҳволни тезда яхшилашни ваъда қилишганди.

Минг афсуски, аҳвол ҳамон ўша-ўша. Одамлар қачонгача сабр-тоқат қилишлари мумкин? Уларга ваъдалар эмас, электр энергияси керак!

А. ҲАЙДАРОВ.

ГЎШТ НЕГА КАМ?

ёки шу мақолага келган хатларга обзор

Хўш, гўшт нега кам? Қўшработлик чорвадор М. Тўймуродовга шу савол билан мурожаат қилдик.

— Район миқёсида олиб қарасак, гўшт камайиб кетишининг икки сабаби бор, — дейди кекса қўйчивон. — Сўнгги ўн йил мобайнида яйловларимиз кескин қисқариб кетди. Ем-хашак етишмаслигидан ҳатто шахсий хўжаликлар мол боқишда қийналиб қолишди. Қолаверса, қорамоллар, айниқса ғунажинларни ҳам ориқ ҳолида гўштга топшириб сўйиб юбориш ҳоллари бўлди. Натижада давлат ҳам, шахсий хўжаликлар ҳам зарар кўрдилар.

— Демак, мол сони камайибди-да?

— Ҳа, орқ молни сўйишга бир пайтлар ота-боболаримизнинг қўли бормасди. Энди бўлса, орқ-семизлигига қараб ўтиришмайди. Гўштга топшириб юборишаверади. Савол туғилади: план учун топширилаётган моллар тош босяптими?

Чўпоннинг гапларида жон бор. Тўғри, яйловлар қисқариши моллар туёқ сони камайишига жиддий таъсир қилди. Устига-устак озуқа муаммо бўлиб қолди. Айниқса, республика хўжаликларида ветеринария хизмати ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ветеринария врачлари, мутахассислари юқумли касаллик олдини олиш учун билим ва малакага эга эмасликлари туфайли касалланган, кўплаб чорва моллари нобуд бўляпти. Жойларда касаллик тарқалишидан шахсий хўжаликлар ҳам иқтисодий зарар кўрмоқда. Бундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш зарурлиги ҳақида газетхонлардан кўплаб хат-хабарлар, таклифлар келмоқда. Жумладан, бухоролик газетхон М. Ражабов, ветеринария мутахассислари тайёрлаш ва қишлоқ жойларда ветеринария пунктлари сонини кўпайтириш керак, деган мулоҳазаларни ўртага ташлаган. Унинг таклифи ўринли. Шундай қилинса, қишлоқ аҳолиси қарамоғидаги чорва молларининг ҳам нобуд бўлишининг олди олинарди. Олий ўқув юртини битириб чиқаётган шу соҳа кадрлар савиясини яхши деб бўлмайди. Кўпгина ёшлар эса ўз мутахассисликларида ишлашаётгани йўқ.

Андижонлик А. Тожибоев мактубидаги сатрларга назар ташланг:

— «Гўшт нега кам?» («Совет Ўзбекистони», 1989 йил, 14 февраль) сарлавҳали мақолани қизиқиш билан ўқидим. Шундан кейин ўз фикрларимни сизларга ёзиб юбориш нияти туғилди. Мен гўшт ва сут муаммосини Озиқ-овқат программасининг энг ўткир банди, деб биламан. Эсимда, қирқинчи ва эллигинчи йилларда бизнинг қишлоқларда пода-пода мол бўлар эди. Мол-қўй ҳар бир ҳовлида боқиларди. Ҳеч ким четдан гўшт ҳам, сут ҳам сотиб олмасди. Энди-чи? Бозордан оламиз. Шахсий хўжаликларда чорвани кўпайтириш тарафдориман. Партия, совет ташкилотлари мол боқаётганларга ёрдам беришлари лозим. Гапдан амалий ишларга ўтмоқ керак. Шундагина долзарб муаммо ечимини топган бўламиз.

«СССР халқ депутатларидан илтимосим шуки, уйда ўтириб мол боқиб, давлатга гўшт топшираётган аёлларни рағбатлантириш учун жон куйдирсалар. Бундан ҳар икки томон фақат фойда кўрган бўларди». Қашқадарёлик Ў. Бердиқулов ана шундай фикр билдирган.

— Илгарилари магазинларда гўшт сероб ва арзон эди. Ҳозир борган сари гўшт қимматлашаётир, — деб ёзибди ўз мактубида букалик Ҳ. Рустамов. — Молни кўпайтириш учун аввало яйлов керак. Бизда пахта экилади. Таклифим — пахта экиладиган майдонларни қисқартириб яйловларни кенгайтириш. Чорвага ҳам пахтадек эътибор берсак, етарли миқдорда гўшт етиштиришга муваффақ бўламиз.

Сирдарёлик А. Аминов шахсий сектордан давлатга гўшт топширишдаги иқтисодий муносабатлар тўғрисидаги масалани қаламга олган.

Юқоридаги таклиф ва истакларни ҳақли талаб, деб тушуниш мумкин. Жойлардаги хўжаликлар раҳбарлари уддабурролик ва қайта қуриш руҳида иш тутсаларгина халқ истаги ҳаётда ўзининг амалий ижросини топади.

Р. ШОДИЕВ.

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Менимча Тиллар тўғрисидаги Қонун лойиҳасига **«Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи барча шахслар давлат тилини билиши мажбурийдир»** деган жумлани киритиш лозим.

А. СУЮНОВ,
ТошДУ ходими.

* * *

IV-бобнинг 14-моддаси **«Ўзбекистонда ёзишмалар давлат тилида олиб бориладн»** жумласи билан бошланса яхши бўларди.

М. ТЎЛАЕВ,
ўқитувчи, Оққўрғон райони.

* * *

Лойиҳанинг асосини ташкил қилувчи 1- ва 3-моддалар ўртасида зиддиятларга йўл қўйилган деб ҳисоблайман.

Т. МАДАЛИЕВ.
Ангрен шаҳри.

* * *

Ўзбек тилининг бой, гўзал ва ёқимли тил эканлигини яхши биламиз. Менимча аста-секинлик билан ҳар бир оилада ёшидан қатъи назар ўзбек адабий тилида сўзлашишга ўтиш лозим.

Н. БОЙМУРОДОВ,
ўқитувчи, Хатирчи райони.

* * *

9-моддага **«Ҳужжатлар ўзбек тилида ёзилади, агар зарурат бўлса рус тилида ёзилади»** деган сўзлар киритилишини истаймиз. Шунингдек, 39-моддани бекор қилиш керак.

Ўзбекистон район архитектура планлаштириш бюроси коллективи номидан

О. ХОТАМОВ.

* * *

27-моддада кўрсатилган «Ўзбекистон ССРда фан тилини» ифодаси ёнига **«ўзбек тилини тараққий эттириш»** деб қўшишни таклиф қиламан.

Б. МАСКОПОВ,
ўқитувчи, Ёзёвон райони.

* * *

19-моддага аниқлик киритиш керак. Унда бундай дейилади: «Ўзбекистон ССР давлат арбитражи органлари муассаса, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги хўжалик низоларини ўзбек тилида ёки рус тилида қараб чиқадилар». Шу моддага 17-моддадаги тартибларни ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ш. НУРАЛИЕВ,
журналист, Фрунзе райони.

* * *

1 боб, 1-модда **«Ўзбек тилини давлат тили сифатида ўрганиш республика территориясида яшовчи барча халқларнинг гражданлик бурчидир»** деб ўзгартирилса яхши бўларди.

10-бобни қуйидагича ўзгартириш керак: **«Ўзбекистон ССРда ўзбек тилига давлат тили ҳуқуқи берилиши муносабати билан республикада ҳар қандай миллий тилга нисбатан менсимай ёки хусумат билан қараш таъқиқланади».**

Ю. СОДИҚОВ,
инженер-қурувчи, Наманган шаҳри.

* * *

Лойиҳада «органлар», «статистика», «арбитраж», «адвокат», «педагог», «кадрлар», «методик», «техникавий», «посёлка», «штампа», «бланка», «реклама», «прейскурант», «почта-телеграф», «товарлар», «норма» сўзлари қайд этилган. Фикримизча, қонунда ана шу сўзлар ўрнига ўзбекчаси ишлатилмоғи зарур.

Ф. АСЛОНОВ,
Жарқўрғон райони.

* * *

Лойиҳанинг 27-моддаси ҳам қиёмига етказилмаган. Бир вақтда илмий тил эркин танланади деб, сўнг агар илмий совет бўлмаса бошқа тилни танлаш мумкин деб орқага қайтилган. Республикада давлат тили ўзбек тили бўлса, илмий ишларни ёқлашни ҳам шу тилда таъминлаш зарур.

М. РАСУЛОВ,
Чилонзор райони.

АХБОРОТ

ТОШКЕНТ БОШ АРХИТЕКТОРИ ЛАВОЗИМИГА САЙЛОВ

Ўзбекистон архитекторлар союзи пленумида Тошкент бош архитектори лавозимига уч даъвогарнинг бири — Ботир Усмонов сайланди. Ижодий союз уни Тошкент шаҳар ижроия комитети ва Тошкент шаҳар Совети сессиясига тасдиқлаш учун тавсия этади.

Бош архитектор лавозими декабрь ойида бўшаб қолган эди. Шаҳарсозлар унинг ўрнига сайланадиган номзодни аввалги тартибни бузган ҳолда янгичасига танлаб олишга қарор қилишди.

Бу гал архитекторлар союзи президиумининг кенгайтирилган мажлисида шаҳар ижроия комитетига бош архитектор сайлашни архитекторларнинг ўзларига ишониб топшириш керак, деган таклифни киритдилар. Ижроия комитет бу ғояни қўллаб-қувватлади, газеталарда бош архитектор лавозимига конкурс эълон қилинганлиги тўғрисидаги хабар босилди.

— Биз ўз номзодини кўрсатишни хоҳлаганлар кўп бўлади, деб ўйлаган эдик. Чунки конкурс шартларига кўра ҳар қандай архитектор «ўз номзодини» кўрсатиши мумкин эди, — деди Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Қодирова. — Лекин, амалий иш билан шуғулланаётган кўп истеъдодли архитекторлар бу оғир вазифани ўз зиммаларига олишга журъат эта олмаганликлари кўриниб турибди...

Уч даъвогарнинг ҳаммаси ҳамкасблари орасида яхши маълум.

Б. Усмонов 48 ёшда. Архитектура соҳасида 7 йилдан бери амалий иш билан шуғулланади. Ўзбекистон илмий-таъмирлаш ва бадиий архитектура экспериментал устахонасида директор бўлиб ишлаган, кейинги йилда Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги архитектура ва шаҳар қурилиши бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлди.

Энди Тошкент шаҳар Совети депутатлари ўз сўзларини айтишлари керак.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзТАГ мухбири.

●

ГУЛҲАЁ ПОКИСТОНГА БОРАДИ

Ўрта мактабни шу йил битирган Гулҳаё Исмоиловага омад кулиб боқди. У «Ўзбекистон маликаси — 89» гўзаллик конкурсида қатнашиб ғолиб бўлган эди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида ана шу конкурс ғолибларига қўшни мамлакат — Покистондаги «Аббос Интернейшнл Прейдерс» фирмаси совринлари топширилди. Малика Гулҳаё Исмоилова Покистон республикасига ўн кунлик саёҳат қилиш имконини берадиган йўлланма билан тақдирланди. Шунингдек, республика конкурси совриндорлари Н. Эргашева, Е. Шарипова, И. Баскакова, Тошкент конкурси ғолиби Н. Олимовага ҳам фирманинг муносиб совғалари топширилди.

Бу маросимда қатнашган «Аббос Интернейшнл Прейдерс» фирмасининг вакили Муҳаммад Аббосхон мухбиримиз билан суҳбатлашди:

— Ўзбекистон ва Покистон қадимий қўшни ўлкалардир. Республикаларимиз Буюк ипак йўли манзилларини ўтмишда бирлаштирган. Сизнинг мамлакатингиздаги ҳозирги қайта қуриш азалий алоқаларимизни янада яхшилаш имконини берди. Бундан буён ҳамкорлигимиз кўп соҳаларда ривож топади.

Шу кунларда «Покистон Нейшнл Бук Фон дейшн» нашриёти ўзбек адиби Пиримқул Қодировнинг «Бобир» романини урду тилида нашр этишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Демак бу китоб ўқувчиларда муносиб қизиқиш уйғотади. Шунингдек, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи ҳам чоп этилади.

А. ПУЛАТОВ.



ҚУЁШНИ КУЗАТИБ...

Офтоб чарақлаб турган кунларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси астрономия институтида телескоплар нигоҳи ҳамиша самога қаратилган бўлади. Бу демак, Қуёшни кузатиш халқаро программасининг қатнашчилари «Қуёш физикаси» бўлимининг ходимлари тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Бутун дунё астрономлари кўп йиллардан бери эстафетани бир-бирларига топшириб, самодаги ёритқичимизни кузатишяпти. Тошкентлик олимлар ҳам ўзларига ажратилган вақтда телескопларни қуёшга тўғрилашади, уч соат мобайнида уни узлуксиз суратга олишади. Ана шу вақт мобайнида плёнкаларда қуёшдаги доғлар, чақнашлар, отилиб чиқаётган газ алангалари ўз аксини топади. Сўнгра маълумотлар синчиклаб таҳлил қилинади, мувофиқлаштириш марказига етказиб берилади.

Институтнинг кекса ходимларидан бири, физика-математика фанлари доктори Юдиф Моисеевна Слоним шундай деб ҳикоя қилади:

— Мамлакатимизда қуёш хизмати 1932 йилда ташкил этилган. Бизнинг Тошкентдаги институтимиз жойлашган тепалик астрономия учун ниҳоятда қулай микроиқлимга эга. Шу ерда биз Қуёшнинг беш даврини кузатдик, ҳар бир давр 10—11 йил давом этади; Қуёш активлигининг энг юксалган ва энг пасайган нуқталари ана шу даврга киради.

Биз Қуёшнинг ўта активлиги —1990—1991 йилларда кузатилади, деб ҳисоблаймиз. Албатта, Қуёшдаги чақнашларнинг акс-садоси Ерга ҳам етиб келади. Ана шу вақтда Қуёш ёғдулари, магнит бўронлари бўлади; радио алоқаларининг қисқа муддатли узилишлари бўлади. Аммо Қуёш активлигининг аввалги даврлари юзасидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига қараганда, Ерда ҳеч қандай фавқулодда ҳодисалар рўй бермаган. Ўйлайманки, Қуёш активлиги оқибатида Ерда рўй берадиган офатлар ҳақидаги миш-мишлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Қуёшнинг аввалги активлиги 1979—1981 йилларга тўғри келган эди. Заминимизни Қуёшнинг ҳалокатли нурларини ўтказмаётган озон қатлами муҳофаза қилиб турибди.

Суратларда: 1. Ю. М. Слоним. 2. Қуёш физикаси бўлими инженерлари О. Литвинов (чапда) ва В. Бобоев Қуёшни кузатишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

С. ВЕЛИЧКИН (ЎзТАГ) суратлари.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

ОРАЛИҚ МАРРАДА

Эркаклар олий лига командалари оралиқ маррага етиб келдилар. Иккинчи давра ўйинлари олдидан Олмаота динамочилари билан Москванинг «Фили» командаси хоккейчилари 31 тадан очко тўплаб, пешқадам бўлиб туришибди. Учинчи ўринда бораётган Свердловск армиячилари ҳисобида 27 та очко бор. Ленинграднинг «Волна» командасида 25 та очко тўпланган. Дастлабки давра ўйинларини Андижоннинг «Звезда» коллективи хоккейчилари ҳам дуруст ўтказишга ҳаракат қилишди. Вакилларимиз 22 ўйиндан 7 тасида ғалаба қозониб, 9 ўйинни дуранг қилган ҳолда тўрт марта имкониятни бой беришди. Фарғонанинг «Химик» коллективи эса 16 ўйин ўтказиб, афсуски шунча марта мағлубиятга учради. Бу коллектив охирги ўринда турибди.

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ

60-ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1989 ЙИЛ 30 ИЮНДА СИМФЕРОПОЛЬ ШАҲРИДА ЎЙНАЛДИ.

Заёмнинг қирқ беш разрядидаги серия ва облигацияларининг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
201254	1—100	100	229690	053*)	5000	262617	1—100	100
201394	1—100	100	231283	097*)	1000	263128	038*)	500
201559	051*)	5000	231596	045*)	2500	263653	005*)	1000
202097	057*)	500	231683	077*)	1000	265426	1—100	250
202112	1—100	250	231698	1—100	100	267037	099*)	1000
202182	047*)	1000	231882	080*)	500	267423	1—100	100
202345	1—100	100	232554	1—100	250	267432	1—100	100
203020	081*)	500	232624	1—100	250	267883	088*)	500
203738	1—100	100	232637	015*)	1000	270412	077*)	1000
204125	028*)	2500	233062	007*)	500	270681	037*)	1000
204723	092*)	1000	234722	1—100	100	271010	1—100	250
204730	017*)	2500	237282	075*)	1000	271105	1—100	250
205333	1—100	250	237567	059*)	1000	271593	1—100	100
205718	010*)	1000	237596	1—100	100	271709	074*)	1000
207547	073*)	1000	237851	1—100	100	271776	026*)	500
207793	087*)	2500	239386	1—100	100	271900	015*)	500
208205	1—100	100	239610	009*)	1000	271953	1—100	100
208562	1—100	100	239817	017*)	1000	272051	053*)	1000
209083	1—100	250	239858	030*)	500	272321	030*)	1000
210136	1—100	100	241261	091*)	1000	273348	1—100	250
210155	038*)	1000	242399	052*)	500	273722	1—100	100
210631	035*)	1000	242462	034*)	1000	274266	079*)	500
211025	1—100	100	242674	007*)	500	274698	066*)	500
211384	010*)	2500	243158	086*)	1000	274847	1—100	250
211681	1—100	100	243364	017*)	1000	274915	1—100	250
212780	076*)	1000	243650	016*)	500	275221	097*)	1000
213165	038*)	2500	243742	079*)	1000	275635	084*)	2500
213343	047*)	1000	244010	056*)	500	276724	018*)	500
213716	056*)	2500	244366	048*)	500	277268	1—100	250
214775	029*)	2500	244743	088*)	1000	277874	063*)	1000
215545	051*)	1000	244952	033*)	500	278169	1—100	250
217143	1—100	100	245257	1—100	100	278403	087*)	500
217175	048*)	500	245379	090*)	1000	278450	027*)	2500
217794	099*)	1000	246444	022*)	1000	279221	1—100	100
218639	065*)	500	247034	031*)	1000	279568	031*)	1000
218732	1—100	250	247191	058*)	500	279684	1—100	250
219963	1—100	250	247216	017*)	1000	280300	078*)	2500
220169	024*)	500	247290	091*)	5000	280313	1—100	100
220475	050*)	1000	247303	046*)	1000	280379	1—100	250
220541	074*)	1000	247742	1—100	250	280568	1—100	250
220902	027*)	500	248733	1—100	100	282318	1—100	250
221014	040*)	500	248792	1—100	250	282613	1—100	100
221874	1—100	100	249500	019*)	10000	283641	056*)	1000
222554	1—100	500	249608	052*)	1000	283756	063*)	1000
222751	1—100	100	249759	036*)	500	284104	006*)	1000
222938	018*)	500	249951	1—100	100	284326	020*)	2500
223540	1—100	100	249979	041*)	500	284511	1—100	100
223727	1—100	100	249992	019*)	1000	286352	043*)	1000
223728	004*)	500	250721	1—100	100	288514	035*)	500
224269	1—100	100	251354	030*)	1000	288525	065*)	500
224620	067*)	500	253151	063*)	500	288839	1—100	250
225320	079*)	500	253327	095*)	500	289363	004*)	500
225337	029*)	500	253922	090*)	2500	289799	1—100	250
226793	054*)	500	253923	021*)	5000	289886	1—100	500
226847	025*)	500	254348	095*)	2500	290102	089*)	2500
226908	003*)	5000	255359	1—100	100	290801	036*)	2500
227069	044*)	500	256145	1—100	100	291176	076*)	1000
227590	022*)	1000	256875	017*)	1000	291469	038*)	1000
227986	1—100	250	257027	1—100	100	292060	019*)	500
228541	098*)	500	257741	076*)	500	292590	057*)	2500
228607	1—100	100	258975	1—100	100	295335	1—100	250
228909	026*)	500	260579	084*)	1000	297307	053*)	500
229143	068*)	500	260613	043*)	1000	297479	1—100	100
229163	086*)	1000	261929	067*)	2500	298494	077*)	1000
229605	001*)	500	262379	1—100	100	299009	031*)	2500
229670	080*)	500	262590	1—100	100	299520	022*)	2500
			262597	079*)	500	299600	081*)	500

---

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 100, 250, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига, айнан 200, 500, 1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 500, 1000, 2500, 5000, 10000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 100 сўм чиқади ва облигация бўйича 600, 1100, 2600, 5100, 10100 сўм тўланади, 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — Қрим область халқ депутатлари Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — **И. А. МОРДВИНА.**

Комиссия масъул секретари — **Е. И. ДЕМИНА.**

● *Маънавият муаммолари*

ОҚИБАТ

Биз ҳали бола пайтларимизда Шарофат деган катта онамиз бор эди. У кўпчилик орасида ҳам, ёлғиз пайтларида ҳам бир ҳикматни кўп такрорларди: «Дўст кўзи — ёруғлик, душман кўзи — тиғлик. Бир-бирларингга қайишинглар, меҳр кўзи билан боқинглар, болаларим!»

Бу ибратли иборани катта онам кимдандир эшитганми, ё бўлмаса донишманд ҳаётнинг ўзи бу калимани унинг дилига солганми, нима бўлганда ҳам, энди билишимча, бу, ҳатто, бутун бир кечмишга берилган таъриф экан.

Биз эндиликда қайта қуриш шарофати туфайли қачондан бошлаб дўст кўзи хиралашиб қолгани-ю, душман кўзи ҳар дақиқа таъқиб этиб келганини яхши билиб турибмиз. Душман кўзи не-не қатағонларга сабаб бўлди. Душман кўзи тарихимиздан маълум бир даврда не-не таниқли арбоблару адиб ва алломаларни узиб олди.

Кечмишимизнинг маълум бир палласида дўст кўзи равшанлашгандай бўлди. Турғунлик йилларида душман кўзи тағин устивор келди. У йилларни қўя турайлик. Қайта қуриш ҳаётимизга рўшнолик ваъда этиб турган умидли дамларда ҳам душман кўзидан фориғ бўла олганимизча йўқ. Қўшиб ёзиш касофати сабаб юзага келган ялпи ҳибсга олишлару кўпдан тугик тилларнинг илк ёзилишидан шубҳага тушишлар...

Умуман, душман кўзи қалбимизда ўнлаб йиллар давомида шаклланди. Оқибатда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатга ҳам хийла путур етди. Ҳар нарсага шубҳали, душман кўзи билан қарайдиган бўлиб қолдик.

Бир мисол. Савдо ходимлари ҳақида сўз кетса, камдан-кам одам илиқ фикр айтади. Душман кўзи қалбимизда шундай бир барқарор таассурот уйғотганки, ким пештахта олдида хизматда турса, у, албатта, харидорлар ҳақидан уриб қолади. Ҳолбуки, савдо ходимлари ҳам ҳаммамизга ўхшаган. Барча соҳаларда бўлганидек, уларда ҳам ўз касбининг чинакам фидойилари бор. Барча касб эгалари каби улар орасида ҳам савдо хизматини шахсий бойлик орттириш манбаи деб билган устомонлар, албатта, учраб туради.

Мен пештахта ортида эртадан кечгача оёқда туриб, харидорларни очиқ чеҳра билан кутиб олувчи, озгина бўш фурсат топса, шу ернинг ўзидаёқ бадиий асарлар ўқишга муккасидан кетувчи савдо ходимларини кўрганман. Аксинча, билим ўчоғи — кутубхона ходими бўлишига қарамай, қўл остидаги энг ноёб бойликдан баҳраманд бўлиш ўрнига, кун узоғи пайпоқ ёки каллапўш тўқиб ўтирувчи кутубхоначиларга ҳам кўзим тушган.

Лекин... О, бу душман кўзи... савдо ходимими — юлғич, таъмагир. Савдо ходимлари ҳақида батафсил тўхталаётганимнинг боиси бор. Сиз билан биз, ҳурматли газетхон, савдо ходимлари ҳақида шундай фикр юритсак, нари борганда уларни ёмонотлиқ қиламиз. Лекин вазифалари инсон тақдири билан боғлиқ касб эгалари, чунончи ҳуқуқ ва тартибот органлари ходимлари айнан шундай деб билишса-чи?!

...Редакцияга ўрта ёшлардаги жувон кириб келди. Ўзини Савра Доноқулова деб таништирди. Гап-сўзидан, ўзини тутишидан анча-мунча катта ташкилотларнинг эшигини қоқавериб, кўзи пишиб кетган кўринарди.

— Йўқ гуноҳи учун эримни кесиб юборишди, — дея гап бошлади у. — Ҳақ жойида қарор топгунича болачақамиз билан еган-ичганимиз татигани йўқ. Шу икки-уч йилда сочларимга оқ тушди.

Ором Мардонов Қашқадарё область Бешкент район матлубот жамиятида савдо мудири бўлиб ишларди. 1984 йилнинг 25 октябрида область матлубот жамияти Бешкентга 5250 килограмм тунука ажратди. Товаршунос Поён Шерқулов тегишли ҳужжатларни расмийлаштиргач, 26 октябрь куни иш тақсимоти вақтида буни маълум қилди. Ўша пайтда тунука материаллари сотишга ихтисослаштирилган 41-магазин инвентаризация қилинаётганлиги сабабли тунукани харидорларга қандай сотиш масаласи кўндаланг турарди.

«Жамият прораби Сафар Бободўстовни чақириб, тунукани олиб райПО хўжалигида ишлатишни таклиф қилдим, — деб ёзади О. Мардонов. — У олишга ваъда берди. 27-28 октябрь дам олиш кунлари эди. Бободўстов душанба куни менга учрашиб, бухгалтерия рухсат бермаганлигини айтди. Ой охири бўлгани сабабли тунука савдоси матлубот жамияти планига кириши лозим эди. Хўжалик моллари магазини мудири Али Худойбердиевни чақирдим. Бу гал ҳам ишимиз юришмади. У отпускага чиқаётган экан.

Бу ҳақда 29 октябрь куни район матлубот жамияти раиси Тиркаш Кенжаевга маълум қилдим. Раис «Тунука Қарши савдо базасида қолиб кетмасин, ой адоғи, қайси магазин бўлмасин, сотишга рухсат беринг, чакана савдо оборотига кирсин», деб айтди.

Эртаси куни иш тақсимоти вақтида хонамга аралаш моллар магазини мудири Исмойил Амирқулов кириб келиб, тунукани олишга рухсат сўради. Хонада товаршунослар, экспедиторлар, ҳисобчилар ва шофёрлар ўтиришарди. Ўшаларнинг олдида розилик билдириб, фақат транспортни ҳам ўзи топишини, бор машиналарнинг ҳаммаси тақсим қилиб бўлинганини айтдим. Шу билан бирга, фактурасини ҳам олинг, сотганингизда одамларга ҳужжат беринг, деб тайинладим.

31 октябрь куни чакана савдо оборотини ҳисоб-китоб қилиш жараёнида И. Амирқулов тунукани аҳолига сотиб, ойлик планини 550 сўмга ошириб бажарганини маълум қилди.

Уч кун ўтиб, хонамга нотаниш аёл кириб келиб, ўзини Саломат Муқимова деб таништирди. Харидорларни қабул қилиш китобига қайд этгач, нима хизмат билан келганини сўрадим. Аёл И. Амирқуловдан 10 дона тунука олган, аммо пулини тўламасдан олиб кетган экан. Донаси қанча туради, деб сўради у. Мен тунука килолаб сотилишини тушунтириб, бориб ҳақини тўланг, фактура олинг, деб жўнатдим.

Кейин маълум бўлдики, И. Амирқулов тунука устига нарх қўйиб сотган ва харидорлар шикоятига кўра ҳибсга олинган. Кўп ўтмай мени ҳам тергов қила бошлашди. Амирқулов айтишича, гўё мен унга тунука устига нарх қўйиб сот, фойданинг 900 сўмини келтириб берасан, деган эмишман.

Амирқуловни бундай ёлғон кўрсатма беришга нима мажбур қилган, менга мутлақо ноаён. Аммо унинг ана шу оғзаки кўрсатмасига биноан Қарши район халқ суди терговчи Аллаёров ишнинг менга тегишли қисмини бекор қилганига қарамай, айблаш керак, деган мазмунда ажрим чиқарди.

Иккинчи терговни ҳам Аллаёров олиб борди ва аввалги фикрини тасдиқ этди. Тўрақулов раислигида ўтган Қарши район халқ суди эса ишимни учинчи марта терговга жўнатди.

Яна сарсон-саргардонлик бошланди. Шундан кейин тергов билан Эргаш Зокиров шуғулланди. У ҳам икки марта мени айбсиз, дея хулоса чиқарди. Аммо у чиқарган қарор тепасига кимдир ручка билан: «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 149, 151, 177-моддаларининг 2-банди билан айблаб беринг» дея ёзув киритгач (бу ёзувни ўз кўзим билан кўрганман), Зокиров учинчи галги терговда айнан худди шундай йўл тутди. Айблаш фикрини район прокурори Жўра Сафаров тасдиқлагандан сўнг эса иш Ульянов район халқ судига оширилди.

Узлуксиз тергов, асабийлик ва нотинчлик хизмат вазифамни бажаришга монеълик қила бошлади. Оқибатда, яъни айб қўйилгандан кейин, савдо мудирлигидан бўшаб, 1985 йилнинг 25 апрелидан «Каршистрой» суғориш бошқармасига гидротехник бўлиб ишга ўтдим.

1986 йил 6 февралда Ульянов район халқ суди Хонкелдиев раислигида ишимни кўриб чиқди. Судда қатнашган прокурор Сафаров 9 йил сўради. Суд эса 5 йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Шундан кейин қанчадан-қанча жойга мурожаат қилганим, ноҳақдан-ноҳақ қанчалик изтироб чекканларимни айтиб ўтирмай. Ҳақиқат, бор экан. Ўзбекистон ССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси суд раиси М. Жалилов раислигида 1987 йил 27 ноябрда ишимни кўриб чиқиб, Ульянов район халқ судининг 1986 йил 6 февралдаги ҳукми ва Қашқадарё область судининг 1986 йил 25 мартдаги ажримини бекор қилиб, ишни қўшимча тергов учун Қашқадарё областига юборди.

Аммо Қарши район прокурори Сафаров ўз ноҳақ фикрини бутун чоралар билан ўзгаришсиз қолдириш, нима қилиб бўлса ҳам мени қамоқда сақлаш пайида бўлди. Қарши район халқ суди 1988 йил 6 майда эҳтиёт чорасини ўзгартириб, мени қамоқдан озод қилганига қарамай, Сафаров суд ажримидан норози бўлиб, область судига протест киритганлиги бунга далилдир.

Ниҳоят, Ўзбекистон ССР прокуратураси 1988 йил 15 мартда ҳаракатимда жиноят аломати йўқлигини исботлаб, менга нисбатан қўзғатилган жиноий ишни бекор қилди. Етказилган моддий зарарни ундириб беришди. Бироқ менга нисбатан жиноий иш қўзғатилган пайтдаги ишим — савдо мудирлиги вазифасига тиклаш ҳақидаги аризам инобатсиз қолдирилди».

Хат сўнггидаги сўзлардан Савра Доноқулова редакцияга эрининг аввалги ишига тикланиши масаласида келибди-да, дея ўйлаш мумкин эди. Аслида ҳам, одамгарчилик нуқтаи назаридан фикр юритадиган бўлсак, унинг бу талаби қондирилиши ноҳақ жабрланган инсонга нисбатан инсонпарварлик ва адолатли муносабатдан бошқа нарса эмас.

Савра Доноқулованинг редакцияга мурожаат қилишининг боиси бошқачароқ эди.

— Эримни ноҳақ жабрлаганлар гуноҳларига кўра жазоланишларида ёрдам кўрсатишингизни сўраб келдим, — деди у. — Тўғри, юқори ҳуқуқ тартибот органлари терговчи Эргаш Зокировни тергов бўлимида ишлашга нолойиқ деб топди, терговчи Б. Каримовга эса ҳайфсан эълон қилди. Қашқадарё область прокуратураси прокурор Ж. Сафаровга нисбатан ҳам шундай чора кўрди. Бироқ прокурор Ж. Сафаров, терговчи Б. Каримов ва ҳозирги пайтда Қашқадарё область адлия бўлимида ишлаётган Ульянов район халқ судининг собиқ раиси Хонкелдиев бундан буёғига ҳам гуноҳсиз кишиларни ноҳақ жабрламасликларига кафолат борми? Уларнинг маънавий қиёфасини одамлар билиб қўйишларини истайман...

Нима ҳам дердик. Душман кўзи душман назарини тиғдиради. Шундай бўлса-да, С. Доноқулова ҳақ. Ушбу мақолани мен С. Доноқулова билан суҳбат ва О. Мардоновнинг «жиноий» ишига алоқадор ҳужжатлар асосида ёздим.

Бу ишга алоқадор терговчи билан ҳам, прокурор билан ҳам, халқ суди раиси билан ҳам юзма-юз суҳбатлашганим йўқ. Уларнинг мутахассис сифатидаги билимлари-ю, малакалари ҳақида шунинг учун ҳам аниқ бир фикр билдира олмайман. Балки улар ўз соҳаларининг у қадар ёмон мутахассислари эмасдирлар. Бироқ уларда ҳуқуқ-тартибот ходимлари учун ғоят зарур бўлган чуқур инсонпарварлик етишмаётганга ўхшайди. Эндиликда яхши мутахассис бўлиш фазилат эмас. Энг аввало, яхши инсон бўлиш керак. Яхши мутахассис яхши инсон бўлолмаслиги мумкиндир, лекин яхши инсон ҳамиша яхши мутахассисдир.

Дарҳақиқат, қайта қуриш талаблари инсон тақдирига дахлдор ташкилотларда ҳар бир ишга ва ҳар бир кишига душман назари билан боқувчилар эмас, давлат ва халқ манфаатларининг чинакам фидойилари иш юритишларини тақозо этади.

САЪДУЛЛА ҲАКИМ.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

●

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
республикадаги ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарларига
ҚУЙИДАГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
Мазкур соҳага тааллуқли масалаларни биргаликда ҳал этиш, тажриба алмашиш мақсадида
1989 ЙИЛ 7—8 ИЮЛЬ КУНЛАРИ
Электротехника саноатига қарашли
«ЭЛЕКТРОПРИВОД»
ишлаб чиқариш бирлашмаси директорларининг
БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ ЎТКАЗИЛАДИ
Справкалар учун телефонлар — 91-29-15, 91-20-37.

●

«Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмасининг
«ПРОМСТРОЙ-ИНДУСТРИЯ» БИРЛАШМАСИ
1989 йил 15 июлгача
1990 йилда буюртмачининг материаллари ҳисобига темир бетон, йиғма бетон, товар бетон ва қуруқ қоришма етказиб бериш юзасидан
ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ
Адрес: 700100, Тошкент шаҳри, ИТР кўчаси, 7-уй.

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати ва жамоат ташкилотлари «Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва табиатдан фойдаланиш экономикаси» кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Қ. Абирқуловга отаси

Нуржон
АБИРҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ходими И. Зулпиқоровга отаси

Зулпиқор
ХУДОЙБЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари қишлоқ хўжалик корхоналарининг хўжалик фаолияти таҳлили кафедраси мудири М. Рихсиевга онаси

Иқбор
СИДДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04203. Б. — 159. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12